

Хуллас, Суръат ўзи билмаган ҳолда фирибгарни тоғасига рўпара қилди. Самад Салиевнинг ростдан ҳам жамғариб қўйган пули бор экан, истарали йигит таклиф қилган имкониятни қўлдан чиқаргиси келмади.

9 бет

Ф.Аҳмедов "Алишер"га "Matiz", "Nexia", "Tico", "Lacetti", "Epica", "Damas", "Captiva" русумли автомобиллар учун Корея Республикасида ишлаб чиқарилган 32 турдаги 1080 донга эътиёт қисмлар учун 37 млн. сўм бериб, товарларни уйининг ертўласига тушириб олади.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 28-iyun, №26 (807)

Наша

Қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлигини юксалтириш сари

Мамлакатимизда мустақилликнинг ilk кунлариданоқ аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизimini такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони энг муҳим ҳуқуқий-норматив мезон сифатида хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳамда ҳуқуқий ахборотлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, бу борада қонунчилик тарғиботи масалаларини янада такомиллаштириш тегишли давлат органларининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

2012 йилнинг 21-23 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Прокуратура органларида қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишни ташкил этиш масалалари" мавзусида ўқув-амалий тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентси, Ўзбекистон Республикаси МТРК, Халқаро "Антик дунё" академияси ҳамда қатор оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республика-

си, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва улارга тенглаштирилган прокуратураларнинг қонунчилик тарғиботи бўйича катта ёрдамчилари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари матбуот гуруҳи ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирнинг асосий мақсади қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, уларни янада такомиллаштириш, шунингдек, 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ҳақида қилган маълумотида келтирилган устувор вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлди.

Тадбир давомида қонунчилик тарғиботи ишларини режалаштириш услублари, про-

Гулноза РАХИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Матбуот
хизмати раҳбари

куратура органларида қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишни ташкил этиш масалалари, оммавий ахборот воситаларига тақдим қилинадиган, бўлиб ўтган ёки ўтказилиши белгиланган тадбирлар ҳақида пресс-релизларни тайёрлаш услублари каби мавзуларда савол-жавоблар шаклидаги жонли мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Хусусан, қонунчиликда таққиланмаган ишлаб чиқариш тури билан "яширинча" шуғулланаётганларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўриш билан чегараланиб қолмасдан, қонун талабларини тушунириш ва амалий ёрдам кўрсатиш орқали уларни солик тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, стандарт талабларига мос, сифатли махсулот ишлаб чиқариш, фаолиятини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш чоралари қўрилди. Бошқарма томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 9 та тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилиб, 24 та янги ва қўшимча иш ўринлари яратилди.

/Давоми 3-бетда/

Тадбиркорлик ва ОАВ

Пойтахтимиздаги "Shodlik Palace" меҳмонхонасининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентлаклари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида "Тадбиркорликка оид масалаларнинг ОАВда ёритилиши" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда марказий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистлар, ўқув марказлари мутахассислари ҳамда тегишли ташкилот ва идора вакиллари қатнашдилар.

Икки кун давом этган мазкур тренинг икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида иштирокчилар Ўзбекистонда тадбиркорликнинг бугунги ҳолати ва истiqболлари, тизимга оид норматив-ҳуқуқий база, ҳукуматимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кўлами ва йўналишлари, бу борадаги хориж тажрибаси билан, иккинчи қисмида эса иқтисодиёт асослари, тадбиркор-

Г.ҲОЖИБОЕВА,
«Наша»

лик соҳасига оид материалларни ёритишда журналистик ёндашув, мавзу устида ишлаш, ахборот излаш тамойиллари, қоидалари ва меъёрларига риоя этиш ҳамда иқтисодий мавзудаги мақолаларни тайёрлашнинг алоҳида хусусиятлари билан танишдилар.

Маълумотлар семинар давомида иштирокчиларга тегишли мутахассис ва экспертлар томонидан материаллар композицияси, иқтисодий мавзудаги журналистик асарни ахборот билан бойитиш усуллари, иқтисодий журналистикада фактларни келтириш, уни баҳолаш, статистика маълумотларидан самарали фойдаланиш, фикрлар мувоозанатига риоя қилиш, иқтисодий терминлар билан ишлаш услублари ҳамда матнни маъно жиҳатидан ҳимоялаш бўйича назарий ва амалий тавсиялар беришди.

Семинар интерфалон ҳамда амалий тарзда ўтказилиб, республикаимизнинг марказий босма ОАВларида чоп этилаётган иқтисодий йўналишдаги мақолалар замонавий ёндашувлар, меъёрлар, тамойиллар асосида таҳлил қилин-ди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони, уларнинг ҳаракат жадаллиги, замонавий талаблар даражасидаги динамика ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган автомобилларнинг сони йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг оқибатларига, шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкид қилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигидаги ислохотлар

Жорий йилнинг 25 июнь куни Миллий Матбуот марказида "Йўлларда ҳаракат хавфсизлиги ходимларининг масъулиятини янада ошириш масалаларида янги тажриба ва ечимлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда республика ИИБ ЙХХ Бош бошқармасининг бир қатор масъул ходимлари, ЙПХ ҳамда ДЙХХХ ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида республика миқёсида қайд этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг марказлаштирилган электрон базасининг юритилиши, республика миқёсида йўлларда содир этилаётган оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқишининг асосий сабабларидан бўлган тезликини ошириш қоидабузарлигига қарши кескин чоралар қўриш мақсадида замонавий технологияларга асосланган фоторадар комплексларининг қўлланилишига доир қилинган ишларга тўхталиб ўтилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги Фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 1 майдан 31 майгача қадар ўтказилган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" натижалари ҳамда ҳукумат томонидан берилган топшириқ ижроси юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизimini яратиш" лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳанинг Тошкент шаҳри кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини замонавий технологиялар ёрдамида таъминлашга, йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳимояланганлик даражасини оширишга, пойтахт кўчаларининг юқори ҳаракат жадаллиги шароитида йўл ҳаракатини назорат қилиш, қоидабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ҳамда профилактика қилиш ишларини такомиллаштириш, лойиҳада тизимнинг биринчи босқичида Тошкент шаҳрининг транспорт жадаллиги юқори бўлган 120 та чорраҳада жорий этилиши, кейинги босқичларда эса 400 та чорраҳага кўпайтириш белгиланганлиги алоҳида таъкидланди. Шу жумладан, ИИБ ЙХХ Бош бошқармаси томонидан мактаб ўқувчиларининг ёзги таътиллари даврида уларнинг ҳаракатланиш хавфсизликларини таъминлаш мақсадида "Таътил" тадбири режаси ишлаб чиқилгани ва ижроси назоратга олинганлиги ҳам қайд этилди.

Матбуот ахжумани якунида савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ўз муҳбиримиз



Бойликларимизни асрайлик

2012 йил 12 апрелда Республика Бош вазир томонидан мамлакат ҳудудидан товар-моддий бойликлар ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, давлат чегарасини мустаҳкамлаш юзасидан ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги раислигида ишчи гуруҳи тузилди. Белгилаб олинган тадбирларга асосан ҳудудга сифатсиз маҳсулотлар, ноқонуний товарларни олиб кириш ва республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетишга чек қўйиш юзасидан бир қатор тарғибот ишлари ташкиллаштирилмоқда.

Маълумки, Пахтабод тумани қўшни Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳисобланади. "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари ва қишлоқ аҳолиси иштирокида ташкил этилган йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳам тақлиф этилди. Йиғилишда Ватанамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётини ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлиги ва порлоқ келажаги ҳамда фарзандларимиз камолтини таъминлашда ҳар бир фуқаронинг Ватанга бўлган меҳри, фидойилиги ва фаоллиги муҳим эканлигини алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, товар-моддий бойликларни асраш, уларни ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиш ва сифатсиз маҳсулотларнинг қонунга хилоф йўллар билан ҳудудимизга кириб келишининг олдини олишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки чегара ҳудудларда истиқо-

Муроджон ИБРАГИМОВ,
Пахтабод туман прокурори

мат қилаётган аҳоли ҳам муносиб ҳисса қўйиши зарурлиги тўғрисида сўз юритилди.

"Шоли курмаксиз бўлмайди", деганларидай, эл-юртимиз ризкига қўз тикаётган хиёнаткорлар ҳам борки, улар бойлик орттириш илнжиди ҳар қандай нопоқликдан ҳам қайтмайдилар. Туман прокуратураси томонидан ноқонуний равишда товарларни олиб ўтиш, ташвиш ва сотиш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаб, уларга нисбатан профилактик тадбирларни кўчатириш юзасидан туман ИИБ, боҳона идораларига топшириқлар берилган. Бундан ташқари, ноқонуний товар-моддий бойликлар савдоси билан шуғулланишга мойил бўлган шахслар расмий равишда огоҳлантирилган. Жорий йилнинг ўтган даврида 77 та ҳолатда 262 млн. сўмдан ортқ товар-моддий бойликларни олиб кириш, олиб чиқиш ва саклаш билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинди, 2336 кг. пахта, 510 литр нефть, 4 млн. 400 минг сўмлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини четга ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолатлари аниқланди.

Туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан жойларда, аҳоли ўрталарида олиб борилаётган профилактик тарғибот ишларида бу каби ноқонуний ишларнинг сабаблари таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Зеро, ўз нафсини ўйлайдиган кимсаларнинг қилмишлари ҳар бимизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлаш давлатимиз сисъатининг устувор йўналиши қилиб белгиланган бўлиб, бу жараёнда ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бинобарин, ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқароннинг оилавий шароити, моддий таъминланганлик даражаси аввало, маҳалла мониторингинда яққол кўзга кўринади. Бироқ, бугунги кунда барча маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаммлари ҳам зиммаларига юклатилган ана шу масъулятини тўла англаяптилар, деб бўлмайди.

Уялиб қолишди

Чунончи, Жондор туманидаги "Бахористон" МФЙ раиси Нурило Бозоров ҳамда МФЙ котиби Шавкат Шомуродовлар ҳалққа хизмат қилиш йўлида ҳамжиҳатликдан кўра жинорий тил бириктиришгани таассуфли ҳол.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил қилиш ва ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам таъминлаш ва тўлаш тўғрисида"ги, 1996 йил 16 декабрдаги "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг қўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари, мамлакатимиз Президентининг "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадд билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини улар яхши тушунишлари керак эди. Аммо, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 3.Сафаровдан тегишли ҳужжатларни тўлиқ талаб қилмай, унинг оилавий

Шерзод РАХИМОВ,
Жондор туман прокуратураси
терговчи-иш ўрганувчиси

шароити билан ҳам танишмай туриб, нафақа тайинлаб юборишган.

Улар шунингдек, фуқаролар М.Турсунова, Ҳ.Очилова ҳамда М.Ҳожиеваларга ҳам ноқонуний тарзда 617 минг 760 сўмлик нафақа пуллари тўлаишга имкон яратишган.

"Бағрикенг" раис ва унинг котиби ноқонуний хатти-ҳаракатлари ортдан манфаат кўришганини-йўқми, бизга қоронғу. Аммо бир жиҳат аниқки, ҳудудда ҳақиқатда моддий ёрдамга муҳтож оилалар маълум маънода назардан четда қолган.

Қонун талабига эътиборсизлик қилиб, эл олдида уялиб қолган "Бахористон" маҳалласи раиси Н.Бозоров ҳамда котиби Ш.Шомуродовлар Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 167-моддаси 2-қисми тегишли бандлари билан айбли деб топилдилар ва уларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

"Самарқанда ҳудудий электр тармоқлари" очик акциядорлик жамиятига қарашли Тайлоқ туман электр корхонасида энергия сотиш бўлими бошлиғи Олимжон Бойсариев 2009 йилнинг февралдан ушбу корхона бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимда иш юрита бошлади. У мансабини даромад келтирувчи манба деб тушунди, шекилли, бундан "самарали" фойдаланиб қолишни режалаштирди.

Авалло, корхона назоратчиларини бирма-бир ҳузурига чақириб, корхонанинг харажатлари кўпайиб кетгани боис ҳар ойда унга 100 минг сўмдан пул бериб туришни тайинлади. Эътироз билдирганларга эса ариза ёзиб, ишдан кетишни шара қиладиган бўлди. Ноиллоқ қолган назоратчилар унинг тақлифига рози бўлишдан бошқа чора топилмади.

Шундай қилиб, Тайлоқ туман электр корхонаси бошлиғи О.Бойсариев корхона назоратчиси О.Умаровдан 2007 йил июнь ойидан, Ж.Хушназаровдан 2008 йил март ойидан, С.Ҳайитовдан 2008 йил апрель ойидан бошлаб 2011 йилнинг ноябрь ойига қадар ҳар ойда 100 минг сўмдан пул олиб келади.

Аммо у бу билан қаноатланиб қолмади. Корхона назоратчилари А.Жабборов ва У.Ҳазратовлар ҳам 2009 йилдан корхона раҳбарига ҳар ойда 100 минг сўмдан пул бериб келишди. У дастлаб пуллари ўзи олган бўлса, кейинчалик корхона муҳандиси О.Умаров орқали оладиган бўлади.

Корхонага янги келган назоратчилар — А.Қамолов, А.Жуманов, А.Ҳақимов, 3.Са-

Нафс балоси

Аслиддин МУРОДОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

нақуловлар ҳам 2010 йилдан 2011 йилнинг ноябрь ойига қадар корхона "харажатлари учун" 100 минг сўмдан бериб келишди.

Аммо назоратчилардан А.Раҳмонов дегани ҳадеганда унинг йўриғига юрмайди. Шунда у Абдурахимни чақиртириб: "Агар менга ҳар ойда 100 минг сўмдан бериб турмасанг, ишингни текширтираман, камчилигингни топиб, ишдан ҳайдайман", дея очикдан-очик таҳдид қилади. Шундан сўнг А.Раҳмонов ҳам унга бир сафар 200 минг сўм беради. Кейинги сафар О.Умаров орқали 300 минг сўм пул олади.

Тергов жараёнида корхона раҳбарининг назоратчилардан олган пуллари ҳисоб-китоб қилинганда жами 23 млн. 700 минг сўмни ташкил қилди. Аммо унинг жинорий хатти-ҳаракатлари бу билан яқун топмади.

Корхона раҳбари туманнинг "Найман-2" маҳалласи Чўлдур қишлоғида яшовчи, шахсий сув насос ишлатувчи 9 нафар фуқародан ҳар ойда ҳар бир насос учун 35 минг сўмдан пул беришни талаб қилиб, 5 ой ичида 1 млн. 575 минг сўм пулни қўлга киритди. Бир йилдан сўнг бу сумма 40 минг сўмга кўтарилди, яъни 2011 йил май ойидан сентябрга қадар бошлиққа 1 млн. 400 минг сўм пул йиғиб берилади.

Нафси ўпқон раҳбар ҳодимларни ишга қабул қилиш учун ҳам пул талаб қилади. Масалан, А.Эшонқулов электр тармоқлари корхонасига электромонтёр бўлиб ишга кириш учун корхона раҳбарига 200 минг сўм пул беради.

О.Бойсариевнинг ошиғи

олчи бўлавергач, у янада кўпроқ пул топиш йўллари излай бошлади. 2011 йилнинг март ойи бошида корхона ҳодимларини йиғида ва корхона текшириш келгани, текширувларни рози қилиб жўнатиб юбориш кераклигини, йўқса, улар ишдан хато топишларини, оқибатда айримлар жинорий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини айтиб, ҳамма бир ойлик иш ҳақи ведомостига қўл қўйиб беришини тайинлади. Шу тариқа раҳбар 23 нафар ҳодимнинг 6 млн. 125 минг сўм иш ҳақини қўлга киритади.

О.Бойсариевнинг қилмишларини ҳали анча давом эттириш мумкин. Масалан, у фаолият кўрсатган даврда электр тармоқлари корхонасига сохта ҳужжатлар асосида иш юритилгани ҳам аниқланди. Шунингдек, корхонада аҳоли билан ишлаш муҳандиси О.Умаров ва бўлим бошлиғи А.Ҳақимовлар "Бекат" қишлоғида яшовчи Б.Ашуровдан фойдаланилган электр энергиясидан қарздорлиқни олиб ташлаш ва эски электр ҳисоблагич ўрнига янгисини ўрнатиш эвазига 300 АҚШ доллари сўрашган. Тамагирлар ушбу маблағни пора тариқасида олган вақтларда ашёвий далил билан ушландилар.

Хуллас, суд ҳукми ўқилди. О.Бойсариев 10 йилга 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, унинг ҳамтовоқлари О.Умаров 6 йил, А.Ҳақимов эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ноқонуний даромад буюрмайди

Бахтиёр ИНОҒОМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент вилоят
бошқармаси бўлим бошлиғи

Хар қандай ишнинг муваффақияти замирида, аввало, ҳалоллик, поклик ва энг муҳими, халқ манфаати мужассам бўлгандагина мақсадга эришилади. Аммо ора-мизда ҳамон маъжуд қонунларга чап бериб, кўча-кўйда хоржиий валюта алмаштиришни ўзига касб қилиб олганлар учраб турибди. СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида ўтказилаётган тезкор тадбирларда ана шундай ҳолатларни содир этаётганларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойларида ўтказилган шундай тадбирлар натижасида 33 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 32 та ҳолат бўйича жиноят иши, 1 та ҳолатда эса маъмурий иш кўзгатилиди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижасида 107 минг 551 АҚШ доллари, 228,6 минг қозоқ тенгеси, 842,2 минг ўзбек сўми, 1360 Россия рубли ва 2 минг 550 евро ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, давлат ҳисобига ўтказилди. Жумладан, Департаментнинг Қибрай туман бўлими ҳодимлари томонидан тумандаги автомобиллар тўхташ жойида ўтказилган тадбирда қонунга зид фаолият билан шуғулланаётган Н.Қосимов ва И.Пўлатованинг қилмишларига чек қўйилди. Маълум бўлишича, улар 8 минг 600 АҚШ долларини 24 млн. 400 минг сўмга сотаётган экан.

Кингир ишга қўл органлардан яна бири фуқаро О.Асатовдир. У гарчи, валюта қимматликларини сотиб олиш ва айирбошлаш жиноят эканлигини билса-да, таваккал қилиб, ишнинг охирини ўйламасдан 12 минг АҚШ долларини 36 млн. сўмга сотмоқчи бўлиб турганида Департаментнинг Янгийўл шаҳар бўлими ҳодимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда қўлга олинди.

Ўрта Чирчиқ туманида ўтказилган тадбирда эса фуқаролар М.Мирвосиков, М.Убайдов ва Ш.Шариповлар 9 минг 900 АҚШ долларини 28,6 млн. сўмга сотган вақтда ушланган. Долларфурушларнинг фаолияти уларга нисбатан кўзгатилган жиноят иши билан ўз якунини топди.

Валюта олди-сотди операциялари банклар орқали қонуний амалга оширилса, ҳар икки томон, сотувчи ҳам, харидор ҳам ютқазмайди. Энг муҳими, банк мижоз олдидаги мажбуриятини қонуний ва кафолатли бажаради. Албатта, қонунга ҳурмат билан қарайдиган, ўз хотиржамлигини қадрлайдиган ҳар бир фуқаро белгиланган тартиб бўйича банкларга мурожаат этиши турган гап. Бироқ амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, ноқонуний валюта олди-сотдисини амалга ошираётган кимсаларнинг хизматидан фойдаланиб, улардан қалбаки доллар сотиб олиб ёҳуд ҳам микдордаги пулни олиб, чув тушиб қолганлар ҳам йўқ эмас. Ҳақиқийлиги кафолатланган валютани олмасдан шубҳали шахслар хизматидан фойдаланиш эса ҳар томонлама хавфли ва зарарлидир.

Хоржиий валютани қонунга хилоф равишда ўтказиш, нақд пулнинг банкдан ташқари ноқонуний айланиши, давлат манфаатларига зид келадиган экспорт-импорт шартномаларини амалга ошириш ҳамда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш мақсадида Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда махсус режа-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда улар асосида ишлар давом эттирилмоқда.

Амалий тадбирлар самараси

Юртбошимизнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенгроқ эркинлик бериш, оилавий бизнесни ривожлантириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Ана шу вазифалар асосида СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайтирилди.

Маъмур субъектлар томонидан 20 млн. сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилиб, 2 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланиб, давлат бюджетига тўланди. Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Н.Каримова Шайхонтоҳур туманидаги бир хонадонда яширин цех ташкил қилиб, ишчиларни ёллаган ҳолда болалар ички кийимини ҳеч қандай ҳужжатларсиз ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди. Ўтказилган профилактик суҳбат ва кўрсатилган амалий ёрдам натижасида болалар ички кийимларини тикувчи "Miss-honey" МЧЖ ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, қонунбузарликларнинг сабаб ва манбаларига, ишга алоқадор ҳолатлар бўйича тезкор-суриштирув ишларининг ўтказилишига қаратилган чоралар ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, биргина суриштирув давомида янги ҳолатлар бўйича жорий йилда 2 та жиноят иши қўзғатилди. Давлат бюджетига 2,5 млрд. сўм зарар етказилганлиги аниқланиб, 1,3 млрд. сўмлик товарлар ноқонуний муомаладан олиб қўйилди.

Бюджетга 19,8 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланадиган, 5,3 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланди. Қонунбузарлардан 3 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича 55 та жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, "Karneliya Servis"

МЧЖ мансабдор шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, 2010-2011 йилларда ДСИга топширган ҳисоботларида улгуржи савдо фаолияти тури бўйича 1 млрд. 630 млн. сўм товар айланмасини камайтириб, яшириши туфайли 81,5 млн. сўм микдоридagi, шунингдек, қурилиш ишлари, хизмат кўрсатиш фаолияти тури бўйича 388 млн. сўмдаги иш ҳажминини яшириш натижасида 24,1 млн. сўм микдоридagi жами 105,6 млн. сўм ягона солиқ тўловларини бюджетга тўлашдан бўйин товлангани ва хориждан келтирилган 1 млрд. 630 млн. сўм микдоридagi харидорғир махсулотларни нақд пулга сотиб, пуллари банк муассасасига инкассация қилмаганликлари аниқланган.

Шунингдек, бошқарма томонидан валюта қимматликларини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этувчи гуруҳларни аниқлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тезкор-тахлилий ва қидирув тадбирлари натижасида валюта шохобчалари олдида фаолият олиб борувчи 59 нафар фуқаро иштирок этган 8 та гуруҳ аниқланган. Жумладан, Шайхонтоҳур тумани Октепа мавзесида жойлашган АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалига қарашли валюта айирбошлаш шохобчаси ёнида жорий йил ўтказилган тадбирда фуқаролар Б.Арипов, Ф.Султанов, Б.Файзиев, С.Умаров, Д.Исаев, Э.Тўлаганов ва Д.Дамировлар 15 минг сўм мукофот пули эвазига фуқаро Т.Махаматов ва Р.Чупановнинг номларига кўп микдорда АҚШ

долларини ноқонуний равишда сотиб олишган.

Текширув якунида фуқаролар Р.Чупанов ва Т.Махаматов томонидан ўзларининг паспортларига харид қилган ва тақдим этган 2 минг АҚШ доллари, фуқаро Б.Ариповнинг ёнидан чиққан 10 минг АҚШ доллари ҳамда Ф.Султановга тегишли бўлган автомашинадан топилган 6,4 млн. сўм, Б.Файзиев бошқарувида бўлган автомашинадан топилган 8,5 млн. сўм, жами 16 минг АҚШ доллари, 15,3 млн. сўм олиб қўйилган.

Шунингдек, экспорт, импорт ва бартер операцияларини амалга оширишда содир этилган қонунбузилишларни аниқлаш, олдини олиш бўйича 26 та қорхона ва ташкилотларнинг 72 та экспорт-импорт шартномалари ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаси бўйича жами 623 минг АҚШ доллари микдорига муддатли ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйилганлиги ҳамда 7,1 млрд. сўм зарар етказилгани аниқланиб, 15 та жиноят иши қўзғатилиб, дебитор қарздорлигининг қисқартирилишига эришилди.

Бошқарма томонидан 2012 йилнинг 4 ойи давомида ўтказилган ўрганишларда махсулотлар экспортидан келиб тушган валюта тушумининг 50 фоизининг мажбурий сотуви 10 та ҳолатда амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, истеъмол товарларини боғжона қоидаларига риоя қилмасдан, айланма йўллар орқали хориждан ноқонуний олиб кириш ҳамда ички бозорда чет эл валютасида сотиш ҳолатларига чек қўйиш бўйича ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 24 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 3,1 млрд. сўмдан ортиқ товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинган ва 24 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Шунингдек, этил спирти, алкогольли ва тамаки махсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва муомалага кириш, акциз марказиз товарларни сотиш билан боғлиқ 11

та жиноят фош этилиб, 82,5 млн. сўмлик махсулотлар олиб қўйилди. Жумладан, Департаментнинг Яққасарой туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда М.Улугбек тумани К.Ниёзий кўчасидаги "Халқ банки" биноси олдида фуқаро Ю.Ибрагимов ва Я.Мирзахметовларнинг ўзбошимчалик билан ташкил этилган савдо растасида фуқаро И.Зияевга чет элда ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари бўлмаган 210 қути тамаки махсулотларини 2,4 млн. сўмга сотган пайтда фаолиятларига чек қўйилган. Тадбир давомида жами 5 млн. сўмлик 555 қути тамаки махсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Умуман олганда эса, бошқарма томонидан тамаки махсулотларини ноқонуний муомалага киришти бўйича 4 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 26,9 млн. сўмлик тамаки махсулотлари олиб қўйилган. Хусусан, Миробод туманидаги Фаргона йўли кўчасида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Х.Муратов тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, чет элда ишлаб чиқарилган ва акциз маркалари бўлмаган тамаки махсулотларини сотишда, умумий қиймати 11 млн. 270 минг сўмлик тамаки махсулотлари масала қонуний ҳал бўлгунга қадар олиб қўйилган.

Шунингдек, бошқарма томонидан 2012 йилда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бора-сида 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Импорт товарларини ноқонуний келтириш ва муомалага чиқариш билан боғлиқ 24 та жиноят фош этилди. Ноқонуний импорт қилинган 3095,6 млн. сўмлик товарлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, ноқонуний келтирилган импорт товарларнинг сақланиши ва уларни ноқонуний муомалага чиқариш каналларини фош этишга қаратилган тадбир-

Ўткиржон ҚОБИЛОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

ларда ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, фуқаро А.Аҳмадов ўз уйининг ертўласида чет элда ишлаб чиқарилган, юртимизга ноқонуний йўллар орқали олиб кирилган, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган товар-моддий бойликларни қайта сотиш мақсадида вақтинча сақлаб келган. Қиймати 607 млн. 704 минг сўмлик 309 турдаги автомобил эҳтиёт қисмлари ашёвий далил сифатида вақтинча олиб қўйилди.

Бошқарма томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни тўламаслик ҳолатлари ҳам аниқланиб, 740,3 млн. сўмлик етказилган зарарни ундириш чоралари кўрилди. Хусусан, "2-Автосозлаш заводи"га қарашли бўлган Бектемир тумани Порлоқ кўчаси 53-уйда ўтказилган текширувда фуқаролар Д.Толипов ва Ф.Толиповалар санитария қоидаларига жавоб бермайдиган яширин цех ташкил этиб, ёлланма ишчилар меҳнатидан фойдаланган ҳолда картошка махсулотидан истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган "чипс" озиқ-овқат махсулотини ишлаб чиқариб, савдо фаолиятини амалга ошириб келаётганлиги аниқланган. Ўтказилган тадбирда цехда мавжуд бўлган жами 5 млн. 895 минг 700 сўмлик 55 кг. "чипс" махсулотлари, 3 050 кг. картошка, электр ўқочлар ва қозонлар ҳамда бошқа ускуналар, яширин бухгалтерия ҳисоб-китоб дафтарлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Бундан ташқари, яширин цех эгалари туман электр тармоғи бўлими билан ҳеч қандай шартнома тузмасдан, фаолиятлари давомида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш орқали 2 млн. 203 минг 891 сўмлик зарар етказган.

Қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлигини юксалтириш сари

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Маълумки, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли таъкилий ишлар амалга оширилди. Натижада сўнги ўн йилда босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баробар қўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунчилик тарғиботи жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг энг муҳим ва таъсирчан воситасидир. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, про-

куратуранинг бутун фаолияти, яъни прокурор назорати, тергов фаолияти жараёнлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга йўналтирилган.

Бугунги кунда бу каби муҳим ишларда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга, тарғиботнинг самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътиборли жиҳати, ОАВ билан ҳамкорлик қилишда ҳуқуқ тарғиботининг ранг-баранг усуллари ва воситаларидан фойдаланиш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд.

Шулардан келиб чиққан ҳолда тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Тадбир иштирокчилари бўлган омма-

вий ахборот воситалари ходимлари томонидан телевиденининг информაციон дастурларига лавҳалар тайёрлаш, ҳуқуқий мавзуларда кўрсатувлар тайёрлаш, радиода интервью бериш ҳамда матбуот соҳасида чиқишлар қилиш услублари бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий сайтини юритиш масалалари юзасидан давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган мазкур тадбир доирасида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ва бевосита оммавий ахборот воситалари муассасаларига кирувчи ЕТРК "Водий садоси" ОАЖ, "Тасвир" нашриёт уйи ОАЖ ҳамда "Мир полиграфии" ОАЖларига ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишишди. Шунингдек, тадбир ишти-

рокчилари аҳолини ижтимоий ғимоялаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мавзусига бағишланган, Ўзбек миллий академик драма театрида сахналаштирилган "Қўёшни сен уйғотасан" номли спектаклни томоша қилишди.

Йиғилишда республикаимизда олиб борилганда суд-ҳуқуқ исполотлари жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш, бугунги ахборот ва компьютер технологиялари асрида одамлар онгини эгаллаш учун кураш кетаётган бир пайтда ҳуқуқий тарғиботни янада кучайтириш масаласи долзарб ва устувор вазифа экани алоҳида таъкидланди.

Тадбир якунида ўтказилган машғулотлар юзасидан иштирокчиларнинг тақлиф ва мулоҳазалари тингланган ва соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тегишли ҳулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилди.



Истиқлолнинг 21 йиллиги олдидан

Фарзана ўстираётган ота-она борки, боласининг яхши ўқиши билан бирга, етарли даражада тарбия ҳам олиб, келажакда баркамол инсон бўлиб етишишини хоҳлайди. Табиийки, бунинг учун аввало, ўша ота-она жигарбандига болагилганақ яхши-ёмонни ўргатиши, ахлоқ-одождан ўнгит бериб, тўғри йўлга бошлаши, бир сўз билан айтганда эса, фарзандига биринчи галла ўзи ўрнатган бўлиши керак. Шунинг баробарида, айниқса, ўспиринлик чоғида ўғил бола отасига, қиз бола эса онасига тақдир қилиши, гап-сўзга, юриш-туришга ўлароқ бўлишига интилиши ҳам бор гап. Агар ўша ота-онанинг ўзи рисоладегилек бўлса-ку, яхши. Бундайларнинг фарзандлари ҳам вояга етгач, худди ўзларига ўхшаб эл-юрт корига ярайдилар, бошқаларга ҳам ўрнатган бўладилар.

Бурчга хиёнат

Абдумалик АЛЛАМУРОДОВ,
Олтинсой туман прокурори

Афсуски, ана шу оддий ҳақиқатни Шўрчи туманида тутилган, хусусий корхонада иш юритувчи бўлиб ишловчи Хусан Жўраев эсидан чиқариб қўйди. 4 нафар фарзанднинг отаси эканлиги, 40 ёшининг остонасида турганлигининг ўзиёқ, унинг бировдан ўрганадиган эмас, аллақачон ўргатадиган ёшга етганлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, бу ёшга етганлар ҳар томондан етук бўлишларини ҳам таъкидлаб ўтиришга ҳолат бўлмади керак.

Буни қарангки, Х.Жўраев фарзандларига ўрнатган бўлишнинг асрлар оша синовлардан ўтган йўлини эмас, ўзига маъқулини танлади. Оқибатда эса...

Ўтган йилнинг август ойи. Соат миллари 23:30 ни кўрсатаётган пайтда Хусанбой Жўраев ўғли Пахлавонни эргаштирганча, қоронғулик бағрига сингиб кетди. Ота-бола туман марказий коммуникация биноси ёнига келишгач, кўча бўйлаб симиёғочлар орқали тортилган алоқа кабелларини кесибга киришишди. Вақт ярим тунга яқинлашган, бу пайтда аллақачон тенгдошлари каби уйкуга ётиши керак бўлган ўғил айна пайтда отасига қўшилиб, жиноят содир этаётганини билмасди. Билганда ҳам қўлидан нима келарди?

Хуллас, Х.Жўраев ўзи билан олиб келган омбур билан пичоқ ёрдамида нархи 1 млн. 108 минг бўлган 198 метр кабелни кесиб бўлган, ўғлининг кўмағида уйига олиб келди. Олов ёқиб, кабелнинг ичидаги мисларни ажратиб олганидан кейин ўғлига ухлашга жавоб бериб, тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахсга унинг ҳар бир метрини 500 сўмдан, жами 150 минг сўмга сотиб юборади. Пулнинг 143 минг сўмга деҳқон-буом бозоридан велосипед сотиб олади.

Орадан икки ойча вақт ўтгач, Хусанбой яна ўғлини эргаштирганча йўлга отланади. Бу сафар бошқа кўчага ўрнатилган симёғочлардаги кабелларни кесишни бошлади. Кўп ўтмай, 1 млн. 410 минг сўмлик 252 метр кабелни орқалаганча уйга қайтишди. Бу сафар ўғирланган симларни уйга эмас, пахта даласига яшириб қўяди-ю, сотишга улгурмайди. Ички ишлар органлари ходимлари бунга ҳалақит беришди...

Шундай қилиб, нафақат фарзандини тарбиялаш борасида оиласи олдидаги масъулиятга, балки қонун томонидан белгилаб қўйилган бурчига ҳам хиёнат қилган отага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов якунланган, иш судга оширилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарликка қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари белгилаб қўйилган бўлиб, Х.Жўраев ана шу бурчига бепасандларча муносабатда бўлган эди.

Жиноят ишининг барча ҳолатларини ўрганиб чиққан суд Х.Жўраевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, қарамонига касалманд хотини ҳамда 4 нафар вояга етмаган фарзандларини борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, унга тайинланган озолиқдан маҳрум қилиш жазосини Ж.Книнг 72-моддасини қўллаган ҳолда, шартли деб ҳисоблаб, 3 (уч) йил синов муддати белгилади.

Умид қиламизки, Х.Жўраев ўзига билдирилган ишончдан тўғри хулоса чиқаради ва бундан кейин фарзандларига ҳалол меҳнат орқали ўрнатган бўлиб, уларнинг тарбиясида номаъқулликларга асло йўл қўймайди.



Саҳифамизда Сурхондарё вилояти

Амалий ёрдам туфайли

"Жаҳонгир" хусусий кичик корхонамиз Сурхондарё вилояти Қизилқум тумани "Қизилқоғ" маҳалласида 2007 йилдан буён вилоят ва туман миқёсида қўрилган давлат объектларига пишган гишт етказиб бериш хизматини кўрсатиб келмоқда.

Охириги йилларда корхонамизда иқти содий кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарди ҳамда ишчи-ҳодимларнинг манфаатдорлиги ошди. Бунга сабаблардан бири сифатида ҳурматли Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинишини кўрсатсак, янглишмаймиз. Дарҳақиқат, мамлакатимиз раёнаки, иқтисодий ўсишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ўрни беқийёс ҳисобланади. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳамда хизматлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг эришаётган ютуқлари эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини намоён этишда асосий омил бўлмоқда.

Юртбошимиз томонидан бу масалани назорат қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг прокуратура органларига юқланганлиги айна мудио бўлди. Сурхондарё вилоятида ҳам бошқа вилоятлар каби тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга янада жиҳдий эътибор берилмоқда. Масалан, вилоят прокуратураси ёрдами билан "Жаҳонгир" хусусий



кичик корхонасига Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий гишт ишлаб чиқариш ускунаси харид қилиш учун вилоят "Халқ банки"дан 150 млн. сўмлик маблағ ажратилишига, Бош прокуратуранинг ёрдами билан эса ушбу маблағнинг конвертация қилинишига эришилди. Яқинда ушбу ускуна "Жаҳонгир" хусусий кичик корхонасига олиб келиниб ўрнатилди. Натижада яна 30 га яқин иш ўринлари яратилди ва шунча фуқаро иш билан таъминланди. Эндilikда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз сифати яхшиланиб, иш самарадорлиги ҳам янада ортиб бормоқда. Бизга кўрсатилган эътибор ўз навбатида олий мақсадимиз — инсон манфаатлари давлат ва қонун ҳимоясида эканлигининг амалдаги тасдиғидир.

Х.НУРКУЛОВ,
Сурхондарё вилояти
Қизилқум тумани "Жаҳонгир"
хусусий кичик корхонаси бошлиғи

Доимий назоратда



Маълумки, мамлакат макроиқтисодий тараққиётида аграр соҳанинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар мазмун-моҳиятида ҳам халқ турмуш фаровонлиги ўз ифодасини топади. Бугунги кунда тизимга оид қонунлар ижросини таъминлаш борасида аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид текширишлар жараёнида асосий эътибор фермерлик ҳаракатининг жадал ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, ер ажратиш ва ундан фойдаланишдаги қонунбузилишларга чек қўйиш ҳамда шартнома интизомини қатъий таъминлашга қаратилган.

Сурхондарё вилоят прокуратураси қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари

амалга оширилиб боришмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси томонидан Денов туманидаги "Файз" масъулияти чекланган жамияти автотранспорт корхонаси директори Ю.Мирзаевнинг вилоятдаги пахта тозалаш корхоналарига кўрсатилган автотранспорт хизмати учун қарзларини ололмаётганлиги тўғрисидаги муносабатни ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, "Файз" МЧЖ автотранспорт корхонаси томонидан кўрсатилган автотранспорт хизматлари учун "Хайрабод пахта" ОАЖдан 54 млн. 903,7 минг сўм ва "Ангор пахта" ОАЖдан 7 млн. 244,2 минг сўм, жами 297 млн. 108,5 минг сўмлик 2010-2011 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш учун ҳашарчиларни белгиланган манзилларга етказганлиги сабабли қарздорлиги мавжуд бўлиб, пахта тозалаш корхоналари томонидан ушбу маблағлар тўлаб берилмасдан келинган.

Тузилган шартноманинг 2,2-қисми "г" бандида "Буюртмачи" бажарилган транспорт хиз-

Улугбек КОСИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлими бошлиғи

мати ҳақини олдинги давр учун 90 кун муддатдан кечиктирган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун "Иш бажарувчи"га нарядга асосан бажарилган транспорт хизмати ҳақининг 0,5 фоизи миқдориди ҳарима тўлаши кўрсатилганлиги боис, асосий қарз 297 млн. 108,5 минг сўм ва ҳарима 148 млн. 554,3 минг сўм, жами 445 млн. 662,8 минг сўмни пахта тозалаш корхоналаридан ундириш борасида 2012 йил 16 июнда вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, Узун туманидаги "Сайқал" фермер ҳўжалигининг манфаатини қўзлаб, "Улуғбек Эрали" фермер ҳўжалигидан 7 млн. 284 минг сўм, "Баратой Мамасодик" фермер ҳўжалигидан 11 млн. 11 минг сўм, "Узун пахта" ОАЖдан 14 млн. 525 минг сўм, "Узун табаррукдон" МЧЖдан 14 млн. 51 минг сўмлик техника хизматлари учун амалга оширилиши лозим бўлган жами 46 млн. 872 минг сўмини ундириш бўйича 2012 йил 16 июнда ҳўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Конунбузилишлар бартараф этилмоқда

Бугун мамлакатимизнинг қай бир минтақасига борманг, Ватанимизда обод этиш истагида яшаётган юрдошларимизнинг эзгу ишлари гувоҳ бўласиз. Андижонда ҳам шундай. Истиқлол йилларида ғайрат-шижоатли, талбиркор ва бунёкор андижонликлар саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида улкан муваффақиятларга эришдилар.

Президентимизнинг "Андижон вилоятида 2011-2015 йилларда турар жой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу ишда дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш, қонунийликка риоя этиш борасида прокуратура органлари томонидан назорат тадбирлари алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунёдкорлик ишларида вилоят прокуратура органлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Зеро, адолат, қонунийлик, ҳуқуқлар устуворлиги бахтли турмушнинг асосий шарти, таъбир жоиз бўлса, калитидир.

Булоқбоши туман прокуратураси томонидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, уй-жой ва бошқа объектлар қурилишида шаҳарсозлик, архитектура ва соҳага доир бошқа қонунлар талабларига риоя этилишига, аҳоли пунктларини замонавий шаҳарсозлик талаблари ва миллий аъёналарга мувофиқ комплекс ривожлантиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг турар жой шaroитларини тубдан яхшилаш учун туман ҳокимининг 2009 йил 24 октябрдаги қарори билан Булоқбоши қишлоғи Кумгузар маҳалласи ҳудудидида қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган бўш турар ер майдонидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 гектар ер майдони ажратилган.

Мазкур объектларнинг қурилиши бўйича "Буюртмачи" ҳисобланган "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК билан "Хон" МХИЧФ ўрта-сида 2010 йил 5 март куни "Пудрат" шартномаси тузилган. Объектда бажарилган иш ҳажмлари бўйича охириги ҳисобот 2010 йилнинг 31 декабрь куни топширилган бўлиб, унда бажарилган ишларнинг қиймати 1882412,0 минг сўмни ташкил қилганлиги ёки иш ҳажмлари 100 фоизга бажарилганлиги кўрсатилган. Объект тўлиқ назорат ўлчовидан

Шермуҳаммад УСМОНОВ,
Булоқбоши туман прокурори

трубаларни ётқизиш бўйича қиймати 1 млн. 345 минг 582 сўм, бетон қуийш бўйича 1 млн. 218 минг 185 сўмлик, автогрейдер билан режавий текислаш ишлари бўйича 662 минг 779 сўмлик, жами 3 млн. 226 минг 546 сўмлик ишлар ҳақиқатда бажарилмасдан ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

Қурилишларнинг манзилли рўйхатида кўра туманда қурилган 4 та намунавий уй-жойлар учун сув тармоғи ётқизишдаги сифатсиз ишлар пудратчилар томонидан бартараф этилди.

2012 йилги қурилишларнинг манзилли рўйхатида кўра туман ҳудудидида жами 30 та якка тартибдаги уй-жойларнинг қурилиши ва уларда ташқи коммуникация тармоқларининг қурилиши кўзда тутилган. Намунавий уй-жойларни олвчи 10 нафар фуқароларнинг рўйхати тузилган бўлиб, ҳозирда уй-жой олвучиларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

"Буюртмачи" ташкилот "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК Андижон филиали томонидан лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланишини таъминлаш ҳамда тумандаги массивлар бўйича тендер савдолари ўтқиши масаласида қўриб чиқилмоқда.

Ўтқазилган текшириш натижаларига кўра қонунга зид бўлган туман ҳокимининг 95-Қ-сонли ҳақда 492-Қ-сонли қарорларига нисбатан протестлар киритилди. Аниқланган жиддий қонунбузилиш бўйича "Беминда Миллениум Сервис" хусусий корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "в, г" бандлари ва 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иш қўзғатилди. Шунингдек, қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият ярати бераётган шарт-шaroитларни бартараф этиш мақсадида вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" ижтимоий корпорацияси директори ҳамда туман ҳокими номига тақдирномалар киритилди.

Қўриб турганимиздек, юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари жадал тусга кирган бир вақтда бу ишга панжа орасидан қарайдиганлар ҳам учраб қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу борадаги барча камчиликларни бартараф қилмоқдалар.



Даъво муддати ўтиб кетган

Қарши шаҳри Лолазор кўчаси 23-уйда яшовчи фуқаро Ф.Нурматов тахририятга мурожаат қилиб, ўзида мавжуд бўлган 250, 500, 1000 сўмлик ички заём облигацияларига ютуқларнинг тўлиқлиги ва қайта сотиб олинишни тартиби ҳамда қўшниси П.Муратов 1990 йили енгил автомашина сотиб олиш учун (ўша пайтдаги пул қиймати билан) 10 минг рубллик облигация олганида 1992 йили автомашина берилиши тўғрисида маълум қилинган бўлса-да, бугунги кунда автомашина сотиб олиш учун тўланган маблағининг қайтарилмаётганлиги сабаби тўғрисида маълумот беришни сўраган эди. Қуйида ушбу мурожаат юзасидан Қашқадар вилоят прокурори ўринбосари Т.Муродов жавоб беради:

"Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 12 фозили ички ютқ заёмидидаги пул маблағларининг тўлиқлиги учун ушбу заёмларнинг тўлиқлиги билан боғлиқ бўлган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳар йили қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни харажатлари таркибидида кўзда тутилган. Шунингдек, 12 фозили ички ютқли заёмдаги пул маблағларининг тўлиқлиги масаласи бўйича ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилиниши билан оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Фуқаро Ф.Нурматовнинг мурожаатида 250, 500 ва 1000 сўмлик қийматдаги ички заём облигацияларга ютуқлар тўлиқлиги ва қайта сотиб олинишни тартиби ҳақида сўраган. Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фозили ички ютқли заёмини чиқариш ва тарқатиш тартиби тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, ушбу облигацияларнинг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 июлида тугайди. Ютқ чиққан облигациялар ҳамда ёзилган қиймат бўйича қайта сотиб олинадиган ютқ чиқмаган облигациялар юзасидан 2014 йилнинг 1 июлига қадар тўлов талаб қилиниши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, фуқаро Ф.Нурматовнинг қўшниси П.Муратовнинг енгил автомашина олиш учун тўлаган маблағининг қайтариллиши масаласида тўхталадиган бўлса, маълум бўлишича, П.Муратов 1990 йилда "3645-сонли жамғарма банк бўлими"дан "Москвич - 2142" русумли автомашина олиш учун 10 минг рубллик облигация олган.

Давлат томонидан чиқарилган фозисиз мақсадли заёмларнинг сотиш ва узатиш ҳақидаги қўриқмада облигацияда кўрсатилган товарни харид қилиш учун мақсадли заём облигация эгаси мазкур облигацияни 1992 йилнинг 1 июлига қадар ўзи яшаб турган ҳудуддаги савдо корхонасида қўйхатдан ўтқиши лозимлиги, заём эгалари товар олиш учун 1995 йил 1 январга қадар облигацияларни тақдим этиши мумкинлиги, заёмлар учун тўловлар 1997 йилнинг 1 январига қадар амалга оширилиши, ушбу даврдан сўнг облигациялар учун тўлов амалга оширилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини жорий этишга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 307-сонли Қарори 2,3,5 ва 6-бандларида 1000 сўм купон 1 "сўм"га тенг эканлиги белгиланган.

Қарши шаҳар "Халқ банки"нинг 2012 йил 12 июндаги маълумотномасига кўра, 1990 йилда чиқарилган давлат фозисиз облигациялари ва 1992 йилда чиқарилган 250, 500 ва 1000 сўмлик купонлик ички ютқли облигациялар қўриқдаги қарор талабларига асосан 1000 сўм (купондаги барча тўловлар 1 сўм микдоридида белгиланиши қайд этилган).

Фуқаро П.Муратовнинг тушунтириш хатидида маълум қилинишича, у 1990 йилда банк муассасасига "Москвич - 2142" русумли автомашина олиш учун 10 минг рубллик облигация топширган, банк ҳодимлари томонидан эса 1992 йилда автомашина олиш тушунтирилган. Бироқ П.Муратовнинг бу масалда маълумоти етарли бўлмаганлиги боис кимга ва қаерга мурожаат этишни билмаган. Натижада мурожаатдаги ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 150-моддасида белгиланган 3 йиллик умумий даъво муддати ўтиб кетган".

Тадбиркорлик фаолияти қонун ҳимоясида

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Прокуратура органлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ва қарорлар ижроси устидан назоратни таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бундан келиб чиққан ҳолда Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қамқовлиги тўғрисида"ги Қонуни ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган бошқа қонунлар ижроси доимий назоратга олинган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур йўналишда ўтқизилган назорат тадбирларида қонунга зид бўлган ҳужжатларга нисбатан 3 та протест келтирилди, 9 нафар масъул ҳодимга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш

юзасидан 2 та тақдимнома киритилди, 75 нафар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Жумладан, шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтқиши тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтқиши, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бузилгани аниқланди. Тадбиркор Шерзод Жамоловнинг муҳандис-

лик коммуникацияларидан электр энергияси, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти, канализация ва газ тармоқларига уланishi учун техник шартлар олиб бериш ҳақидаги мурожаатини оқибатсиз қолдирган шаҳар бош архитектори Йўлдош Жумаевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва тадбиркорга газ тармоғига уланishi учун техник шарт олиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, шаҳар прокуратурасига ўрнатилган "007" рақамли ишонч телефони орқали жорий йилнинг ўтган даврида 10 нафар тадбиркорлик субъектларидан турли хил мазмундаги мурожаатлар келиб тушди. Бу мурожаатлар тез, қисқа муддатда қўриб чиқилиб, уларнинг 5 нафарига савдо фаолиятини ривожлантириш учун шаҳардаги тижорат банкларида 74 млн. сўм кредит олишда, 5 нафарига тегишли рухсатнома ва гувоҳномалар олиб берилишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, шаҳарда фаолият кўрсатётган якка тартибдаги тадбиркор Мубо-

Эркин АХМЕДЖОНОВ,
Зарафшон шаҳар прокурори

рак Эшмуродовнинг "Микрокредит-банк" ОАТБ Учқудуқ филиалидан тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида кредит олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганилди. "Микрокредитбанк" ОАТБ Учқудуқ филиалининг кредит бўлими билан биргаликда якка тартибдаги тадбиркор М.Эшмуродовга тегишли ҳужжатларни жамлаш ҳамда расмийлаштиришда, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун 4 млн. сўм микдорда имтиёзли кредит ажратилишида ёрдам берилди.

Шаҳар прокуратураси томонидан шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди корхона ва ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлар билан мунтазам равишда ўтқизиб келинаётган учрашувларда тадбиркорлар томонидан илгари сурилган муаммоларни бартараф этиш чоралари қўриб борилмоқда.

Бу билан шуни кўришимиз мумкинки, кўп томонлама шартномаларда иштирокчиларнинг умумий мақсадга эришишга қаратилганлиги ва мақсадларда бир-бирига қарама-қарши йўналтирилмаганлиги бошқа барча шартнома турларидан фарқи бўлиб ҳисобланади. Кўп томонлама шартномалар мазмунан умуммақсадли шартномадир, чунки умумий мақсадга эришиш учун шартнома қатнашчиларининг биргаликдаги фаолияти талаб этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, кўп томонлама шартномаларда тарафларнинг фойда олиши олди-сотди шартномасида бўлгани каби қарама-қарши мажбуриятларни бажаришдан келиб чиқмасдан, балки биргаликдаги фаолияти натижасида мақсадга эришишдан моддий манфаатдор бўлишадир.

Гаров — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули

**Ўзбекистон Республикаси
Фуқаролик кодексининг
264-моддасида кўрсатилган
нелек, бир шахснинг бошқа
шахсга мол-мулкни ёки унга
бўлган ҳуқуқий мажбуриятларни
таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.**

Гаров туфайли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор (гаровга олувчи) қардор томонидан бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига нисбатан ўз талабини имтиёзли қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

Гаров бозор муносабатларидаги ўтиш шартлида мажбуриятларни таъминлашнинг энг самарали усули бўлиб, пул қадрсизланиши, ишлаб чиқариш даражасининг тушиб кетиши, тўловга қобилиятсизлик каби салбий ҳолатлар таъсиридан холи ҳисобланади.

Гаров нарсаси ҳар қандай мол-мулк, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) бўлиши мумкин, ammo бундан ФКнинг 267-моддасида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган ашёлар мустаснодир.

Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги, алиментлар ҳақидаги қўйилган талаблар ҳамда бошқа шахсга бериш қонун билан манъ этилган бошқа талаблар гаров нарсаси бўла олмайди. Тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги туфайли ёҳуд давлат хавфсизлиги нуктаи назаридан гаров қўйилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан белгилан кўйилади. Ундирув қаратилиши мумкин бўлган фуқароларнинг айрим турдаги мол-мулкни гаровга қўйиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манъ этилиши ёки тикланиши мумкин.

Одатда, фақат кредиторнинг ҳақиқий талабига гаров билан таъминланиши мумкин. Демак, агар шартнома ҳақиқий эмас деб топилса, у ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома ҳам ҳақиқий саналмайди. Агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол кўрсатилмаган бўлса, гаров талаби таъминланиши пайтида қандай бўлса, шу ҳақда таъминланиши лозим. Асосий мажбурият юзасидан кредитор бўлган шахс талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга топширса, у ҳолда ФКнинг 315-моддасида кўрсатилганидек, гаров ҳуқуқи ҳам янги кредиторга ўтади.

Гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки ҳўжалик юришти ҳуқуқи мулкни гаровга берган шахсдан бошқа шахсга ўтганида ҳам гаров ҳуқуқи ўз кучини сақлаб қолади. Бинобарин, гаров сакловчи шахс — кредитор гаровга қўйилган мулкнинг эгаси ёки уни бошқарувчи субъект бошқа шахс бўлганида ҳам ўз ҳуқуқини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундиришига ҳақли. Масалан, банкдан қарз-

дор бўлган фуқаро олинган ссуда ҳисобига қўрилган уй-жойни сотса, банк уй-жойни гаровга олган шахс сифатида мазкур уй-жой ҳисобидан ўз ҳақини янги эгадан ҳам ундириб олиши мумкин.

Гаровнинг турларини ФКнинг 265-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда туркумлаш мақсадга мувофиқ.

ФКнинг 265-моддасига асосан гаровнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) закатал (бунда гаров нарса-си гаровга олувчида сақланади);

б) ипотека (бунда кўчмас мол-мулк гаровга олинади);

в) мулкий ҳуқуқларни гаровга олиш.

Закатал. Гаровга қўйила-диган мулк гаровга қўювчи томо-нидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закатал деб ҳисобланади (ФКнинг 265-моддаси). Бу ҳолатда гаров нарсасини сақлаш, ҳимоялаш ва фойдаланиш борасида муаммолар келиб чиқиши табиий. Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўл-маса ёки гаровнинг мохиятидан аниқлашмаса, гаровга қўювчи гаров нарсасидан унинг вази-фасига кўра фойдаланишга, шу жумладан, ундан ҳосил ва да-ромадлар олишга ҳақли. Бун-да гаровга қўювчи фойдала-ниш билан боғлиқ ҳисоботлар-ни бериб туриш лозим бўла-ди.

Гаров нарсаси гаровга олу-вчи-га топшириш чоғида қанча суммага баҳоланган бўлиши-дан қатъи назар, гаровга олу-вчи гаров нарсаси йўқолганли-ги учун унинг ҳақиқий қийма-ти миқдоридан, унга шикаст ет-казилганлиги учун эса бу қий-мат қанча суммага қамайган бўл-са, шуна сумма миқдори-да жавоб беради.

Агар гаров нарсаси шикаст-ланиш натижасида ундан бе-восита ўз вази-фаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмай-диган даражада ўзгарган бўл-са, гаровга қўювчи ундан воз кечи-шга ва унинг йўқолганлиги учун ҳақ талаб қилишга ҳақли.

ФКнинг 269-моддасига асо-сан, агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўл-са, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади. Ипотека белгиланган мол-мулк, шунингдек, гаровга қўйилган муомаладаги товар ҳам гаровга олувчига топши-рилмайди.

Ипотека. Кўчмас мулклар гарови ипотека деб номлана-ди.

Ўзбекистон Республикаси-нинг 2006 йил 5 октябрдан қў-ча кирган "Ипотека тўғриси-да"ги Қонуни қабул қилини-ши муносабати билан ипоте-ка муносабатларида янги давр бошланди, деб айтиш мумкин. Мазкур қонуннинг қабул қили-ниши билан ипотека муноса-батларининг барча жиҳатлари-да тартибга солувчи тубдан янгиланган норматив-ҳуқуқий база пайдо бўлди.

Ипотека ипотека тўғрисида-ги шартнома ёки қонун асо-сида вужудга келади. Ипотека асосий мажбуриятдан ҳосила хусусиятига эга ва у асосий мажбурият тугагунига қадар ҳақиқий бўлади.

Ипотека билан таъминлан-ган мажбурият бўйича қарздор-нинг ўзи ёки бу мажбуриятда

иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) ипоте-кага қўювчи бўлиши мумкин.

Мулкдор, мулкдор ваколат берган шахс, шунингдек, мулкдорнинг васий ёки хо-мийлари, ҳўжалик юришти ёки оператив бошқарув ҳуқуқига эга бўлган шахс, агар унга ва-колат берилган бўлса, учинчи шахслар (ашёвий кафил) ипо-текага қўювчи сифатида кўрса-тади.

Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўғрисида-ги шартномада бошқа-ча тартиб назарда тутилмаган бўл-са, ипотекага қўювчининг эгали-ги-да ва фойдаланишида қолади. Ипотека, агар қонунда бошқа-ча тартиб белгиланмаган бўл-са, кредит, қарз шартнома-си ёки бошқа шартнома бўйича мажбуриятни, шу жум-ладан, олди-сотди, ижара, пу-драт шартномаларига асослан-ган мажбуриятнинг, шунинг-дек, зарар етказилиши оқиб-тида вужудга келадиган маж-буриятнинг бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин.

Мулкий ҳуқуқлар гарови. Гар-овга қўювчига тегишли эгали-к қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари, шу жумладан, ижа-ратчининг ҳуқуқлари, мажбури-ятларидан келиб чиқувчи бош-қа ҳуқуқлар (талаблар) ва ўзга мулкий ҳуқуқлар гаров нарса-си бўлиши мумкин.

Кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ талаблар, хусу-сан, ҳаёт ёки соғлиқга еткази-лган зарарни қоплаш тўғри-сидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги ва бошқа шахс фой-дасига воз кечиш қонун билан манъ қилинган ўзга талаблар ҳуқуқ гарови нарсаси бўли-ши мумкин эмас.

Ҳуқуқлар гаровида айрим ҳуқуқларнинг мuddатли экан-лиги эътиборга олинмиши ло-зим. Muddатли ҳуқуқ унинг амал қилиш muddати тугагун-га қадаргина гаров нарсаси бўлиши мумкин. Масалан, ижара ҳуқуқи ижара шартно-масида, оператив бошқарув ҳуқуқи ваколатли давлат орга-ни қарориди, патент ҳуқуқи қонунда белгиланган бўлади.

Шу сабабли унинг қачон бош-ланиши ва тугашини гаров шартномаси тузилаётганда ҳисобга олиш зарур. Келажак-да вужудга келиши мумкин бўлган мулкрий ҳуқуқлар ҳам гаров нарсаси бўлиши мумкин ва бу ерда таваккалчилик му-ҳим ўрин эгаллайди ҳамда га-ровга олувчи бунга розилик бериши лозим бўлади. Маса-лан, кишлоқ ҳўжалигида кел-гусида олиш мумкин бўлган ҳўслини гаровга қўйиш ҳолла-ри кўп учрайди.

Қонунда гаров нарсасига нисбатан гаровга олувчи ва га-ровга қўювчи ҳуқуқлари аниқ чегаралаб қўйилган. Шу жум-ладан, бутун қорхона ёки бошқа мулкрий комплекс ипо-текасида гаров ҳуқуқи ипоте-ка таркибига кирувчи мол-мулкнинг ҳаммасига, шу жум-ладан, талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлак ҳуқуқларга, шу билан бир қаторида, ипотека даврида олинган ҳуқуқларга ҳам (агар қонун ёки шартномада бош-қа-ча тартиб белгиланмаган бўл-са) жорий этилади. Ер участкасининг ўзини ипотекага қўйишда гаров талаби гаров-га қўювчининг ушбу участкада

жойлашган ёки қураётган би-нолари ва иншоотларига қара-тилмайди. Мабодо, кейинча-лик ер участкасига нисбатан ҳақ ундириш гаров талаби асо-сида қаратиладиган бўлса, унда жойлашган бинолардан ўз ўрнида фойдаланиш учун зарур бўлган сервитут (чек-ланган тарзда фойдаланиш) ҳуқуқи гаровга қўювчида сақ-ланиб қолади.

Агар шартномада ўзгача тар-тиб назарда тутилмаган бўлса ёки гаровнинг мохиятидан аниқ-лашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарсасидан унинг вази-фасига кўра фойдаланишга, шу жумладан, ундан ҳосил ва да-ромадлар олишга ҳақли.

Шунингдек, гаровга қўювчи гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарсасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланишга топ-ширишга ёки бошқа усулда тасарруф этишга ҳақли. Шарт-номага мувофиқ гаровга олу-вчи зиммасига асосий мажбу-риятни бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчининг ман-фадатини қўзлаб, гаров нарса-сидан ҳосил ва даромадлар олиш бурчи юкланиши мум-кин.

Гаров шартномаси ёзма ра-вишда тузилиши лозим. Маж-буриятларни таъминлаш бўлган ҳолдан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар-ни гаровга қўйиш тўғрисида-ги шартнома нотариал тасдиқ-ланиши шарт. Бундан ташқа-ри, гаров шартномаси қийма-тига қараб тегишли адлия органларида рўйхатдан ўткази-лиши лозим.

Гаров шартномаси шакли, уни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги талабларга риоя қилинмай ту-зилганда ҳақиқий ҳисоблан-майди.

ФКнинг 278-модда, 1-қис-мида кўрсатилганидек, гаров-га олувчи ўз ихтиёрида бўлган ёки бўлиши лозим бўлган га-ровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Гаров билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганда, гаровга қўйил-ган мулк суднинг, ҳўжалик су-дининг қарорига асосан соти-лади ва тушган сумма ҳисоби-дан биринчи навбатда, бошқа шахслардан олдин кредитор-нинг талаблари қондирилади.

Гаров ҳуқуқининг бекор бўлиши ҳоллари ФКнинг 283-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, гаров ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда, яъни:

— гаров билан таъминлан-ган мажбурият бекор бўлган-да;

— гаровга қўйилган ашё но-буд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлгани-да;

— гаровга қўювчи гаров нарсасини алмаштирмаса;

— гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқо-лиш ёки шикастланиш хавфи-ни туғдирадиган даражада қўпол равишда бузишларда га-ровга қўйилган мол-мулк ким оиди савдосида сотилган ёҳуд сотиш мумкин бўлмаган тақ-дирда бекор бўлади.

Гаровга қўйилмаган ашё-лар ўзаро келишув бўйича ба-ҳоланади. Ашёларнинг бундай баҳоланиши гаровга қўйилган

Алишер ХИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎК катта ўқитувчиси

ашёнинг нобуд бўлиши ёки бузилиши ҳолларида низо чиқ-қан тақдирда зарур бўлади.

Гаровга олувчи (кредитор)-нинг талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбури-ятларни ўзи жавобгар бўлган ҳолатларда бажармаган ёки тегишли даражада бажарма-ган тақдирда гаров нарсасига қаратиши мумкин.

Агар гаров билан таъмин-ланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда ар-зимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчининг талаблари миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати-га му-лақо мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши рад этиш мумкин.

Ундирув жараёни гаров нарсасига қуйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига муво-фиқ қаратилиши мумкин:

1) гаров тўғрисида шартно-ма тузиш учун бошқа шахс ёки органининг розилиги ёҳуд рух-сати талаб қилинганда (маса-лан, ашёвий ҳуқуқ гаровга қўйилганда мулкдорнинг ро-зилиги талаб қилиниши ҳол-ларида);

2) гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадий ёки ўзга-ча маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;

3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

Қўриқда ҳам айтганимиз-дек, мажбурият бўйича ҳақ ундириш гаров нарсасига қара-тилган ҳолларда уни сотиш, қонун ҳужжатларида белгилан-ган тартибда қимосида савдо-сида сотиш йўли билан амал-га оширилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси сотилгунча, хоҳлаган вақтда гаров билан таъминлан-ган мажбуриятнинг ёки унинг ижросининг кечиктириб юбо-рилган қисмини бажариб, ундирувни унга қаратишга ва уни сотишга барҳам бериши мумкин. Бу ҳуқуқни чеклайди-ган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир (ФК, 281-модда).

Мол-мулкнинг гаровга қўйилиши:

— биринчидан, мол-мулк-нинг доимо мавжуд бўлиши ва сақланишини таъминлайди;

— иккинчидан, кредитор бошқа шахсларга, яъни қарз-ларнинг бошқа кредиторлари-га нисбатан устунлик билан ўз талабларини қондириш имко-ниятига эга бўлади;

— учинчидан, мол-мулкнинг қарздор учун учинчи шахс то-монидан гаровга қўйилиши қарздорга бўлган талаблар-нинг қондирилиши учун қўшимча манба ҳисобланади.

Ашёни гаровга олган кре-дитор талабларининг қондири-лиши аниқ таъминланиши билан гаровнинг белгилани-ши қарздорни ўз мажбури-ятини ижро этишга мажбур қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда турли хил шартномалар юзасидан юзага келаётган мажбурият-ларни ҳамда уларнинг ижро-сини тўлиқ таъминлашда га-ров алоҳида ўрин эгаллайди.

Босқинчи тўда

2012 йил, 18 февраль. Соатчаси 19:00да Ҳамза тумани Лисунова-4 даҳасидаги 67-уй ёнида пайдо бўлган 4 нафар йигитнинг қадам олиши шубҳали эди. Кўзлари бежо, паст овозда нималарнидир муҳома қилиб, уларнинг 3 нафари ичкарига кириб кетишди. Биттаси ташқарида қолиб, ўзини панароқ жойга олди. "Қора учлик" зинадан кўтарилиб борар экан, Сўҳбат (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иккинчи қаватда тўхтади. Дилшод бўлса Нурбекни бошлаб, учинчи қаватнинг керакли хонадон олдида келди. Дилшод эшик кўнгирагини босди. Зум ўтмай эшикни хонадон бекасининг синглиси Индира очди-у, нотаниш йигитларни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Сизларга ким керак?
Дилшод ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйганини сабаб, шу заҳоти жавоб берди.
— Шоира опа борми?
Ичкаридан хонадон соҳибасининг овози эшитилди.

— Ким экан?
Индира боши буриб, опасига жавоб берди:

— Билмадим, қандайдир Шоира опани сўрашяпти.
У гапини тугатиб улгурмай, ичкаридан Элмира чиқиб келди-да, қақирилмаган меҳмонларга рўпарў бўлди:

— Шоира опа бу ерда турмайдми. Уни нима қилисалар?
Аммо унинг саволи жавобсиз қолди. Йигитлар ўша заҳоти гап-сўзсиз ичкарига отилиб, охишларга ташланишди. Дилшод аввалига Элмиранинг бошига ёнида олиб келган электрошок мосламаси билан уриб, сўнгга Индирани чап томондаги хонага жорди. Бу пайтда Нурбек ҳам жим тургани йўқ. У бошқа хонага бостириб кирди. Бирок, уни бу хонадонга меҳмон бўлиб келган Диффуза Ниёзова ошхона

пичоғи билан қарши олди. Аммо аёл кишининг аини кучгайратга тўлган, тоғни урса талқон қиладиган навқирон йигитга кучи етармиди? Нурбек уни шеригидан олган электрошок мосламаси билан уриб, қўлидаги пичоқни тортиб олди...

Икки йигитнинг пичоқ билан таҳдидидан қўрққан аёллар уяли телефонлари ва тилла тақинчоқларининг қўшқўлаб топширишди. Кўп ўтмай хонадон эгаларининг жами 400 минг сўм ва 16 минг 320 АҚШ долларлик моддий бойликларни қўлга киритган босқинчилар, зумда жуфтакни ростилашди. Ўзлари учун хавфсиз жойга етганларидан сўнг босқинчи тўда (ташқарида қолган икки шериклари ҳам қўшилишди) "ўлжалар"ни ўзaro тақсимлаб олишди.

Бу ишдан топишган "даромад"ни Дилшод таҳминан бир ой давомида соғуриб бўлиб, яна "ов"га чиқиш тараддуига тушиб қолди. У бу сафар бошқа "олғир" йигитлар билан бирлашди. Дилшод Азизов, Жавлон Рустамов, Шербек Жасуров, Давлат Ербеков, Зоҳид Тўраевлардан иборат босқинчи тўда айнан "Наврўз" айёми кунни жиний ҳаракатларини амалга оширишди. Тўданинг фаол вакили ҳисобланган Дилшод томонидан тузилган режа асосида йигитлар олдиндан тайёрлаб қўйилган никобларни кийиб, пичоқ, лезвиз, болга билан қуролланиб, соат 21:30ларда Мирзо Улуғбек туманидаги Оққўрғон кўчаси 16-уйнинг олдида пайдо бўлишди. Девордан ошиб ўтиб, ичкарига киришди. Бу пайтда ушбу хонадонда истикомат қилувчи Гулмира Юлчиева 3 нафар вояга етмаган фарзанди билан санокли сониялардан сўнг ҳаёти хавф остида қолишидан беҳабар,

С.МАДИЯРОВА,

Мирзо Улуғбек туман
прокурорининг катта ёрдамчиси

телевизор томоша қилиб ўтирарди. Кутилмаганда эшик қолиб, девордан ошганча ташриф бўйрган "меҳмон" ларни кўриб, ҳам ҳайратдан, ҳам қўрқувдан саррайиб қолди. Йигитлар унга қўлларида бўлган қуроллари билан таҳдид қилиб, пул талаб қила бошлашди. Бечора аёл ўзини ўйламаса-да, фарзандларига бирор кориҳол бўлишидан қўрқиб, уларга баҳоси 200 АҚШ доллари бўлган аёллар узуги, 500 долларлик занжир, умумий баҳоси 300 минг сўмга тенг бўлган 3 дона болалар зираги, қўмати 200 АҚШ долларлик 2 дона фианит қўзили тилла узуги, 100 минг сўмлик болалар фианит қўзили тилла зираги, умумий баҳоси 100 АҚШ доллари бўлган тилла тақинчоқлари, 150 АҚШ доллари турадиган уяли телефон аппарати, 400 минг сўм пуллар ва 12 минг 508 АҚШ долларини ўз қўллари билан топширди. Йигитлар пул ва моддий бойликларни олиб, кўздан қўйиб бўлишди.

Босқинчилик йўли билан қўлга киритилган "ўлжалар" бу сафар ҳам тўда аъзолари ўртасида тақсимланди. Чўнтақлари қаппайган йигитлар бу йилги қўлдам байрамни ўзгача қутиб олишди. Бирок, бу хурсандчилик ўзоқ давом этмади. "Бузоқнинг югургани сомонхонага" деганларидек, босқинчи тўданинг ҳам "фаолияти" қисқа бўлди. Улар суднинг қора курсисидан ўтириб, қилмишлари учун жавоб беришди. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди уларнинг ишини кўриб чиқиб, ҳар бирига тегишли жазо тайинлади.

Нақд қилинишича, эрта билан уйдан чиқиб, юмушлари билан йўлга отланган одамлар кўчанинг бир четида ётган тилла тангани кўриб қоладилар. Биров у дейди, бошқаси бу, аммо улардан бирортаси тиллани қўлга олиш у ёқда турсин, унга яқинлашмайди ҳам. Ҳамма бу ерда гуноҳ ётибди, дея ўзоқроқдан ўтишга ҳаракат қилади. Яъни тиллани бировнинг ҳақи, дея ҳисоблаб, уни қўлга олишдан чўчишади. Кўп ўтмай арқон топиб келиб, ўша жойини ўраб қўйишдан-ла, подшоликка олам юборишади. Охир-оқибат подшонинг хазинабонлари келиб, тиллани хазинага олиб кетганларидан кейингина, одамлар ўз йўлларига давом этадилар.

Ўрганган кўнгил...

Зафар РАҲИМОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Бугунги кунга келиб эса афсуски, ўша — бир вақтлар бировнинг ҳақидан қўрққан одамларнинг авлодлари бўлиши айрим қимсалар бу ҳақда ўйлашни ҳаёллари-га ҳам келтирмайдилар. Бундайлар бир четда ётган тилла ёки пулни олиш экан-ку, ҳатто бировларнинг уйига яширинча ёхуд бостириб кириш-у, хонадон эгаларининг ҳалол меҳнати эвазига тогган мол-мулкни олиб чиқиб кетишдан ҳам ҳайқмайдилар. Ваҳоланки, бировнинг ҳақи-га қўз олайтириш нафақат гуноҳ ҳисобланади, балки бундай ҳолат учун қонунда ҳам тегишли жазо белгиланган бўлиши.

1979 йилда Тошкент вилоятида таваллуд топган Жасур Асракулов ана шундайлардан бири ҳисобланади. 19 ёшида ўғирлик жинояти учун илк бор суднинг қора курсисидан жой олган шоввоз кейинчалик яна уч бора бировларнинг мол-мулкига дахл қилиб, судланади. Сўнгги бор 2009 йилда ЖКнинг 169-моддаси тегишли қисми билан айб эълон қилиниб, маълум муддатга озодликдан маҳрум қилинади. 2011 йилда эса суднинг ажрими билан ўтالمал қолган жазо муддати ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади-га ундириб бориш билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилади.

Аммо ўзига берилган бундай имкониятга қўз юмган Ж.Асракулов ўтган йилнинг 9 ноябрь кунни кечки пайт Ангрен шаҳар Нуробод қўрғониди-га уйлардан бирининг олдида пайдо бўлади. Трофга аланглаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, дераза орқали ичкарига қиради ва 500 минг сўмлик телевизор, 50 минг сўмлик дасмол, 250 минг сўмлик биллур идишлар ҳамда баҳоси 10 минг сўм бўлган қозонни ўғирлаб кетади. Натижада хонадон эгасига 810 минг сўмлик моддий зарар етказилади.

Шундай қилиб, боши бир эмас, бир неча бор деворга тегса-да, қўзи очилмаган Жасурбой Асракулов қилган жинояти учун суд ҳукми билан яна маълум муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, суд ҳукмига нисбатан судланувчи томонидан келтирилган апелляция шикоятни Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, биринчи инстанция судининг Ж.Асракуловга нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгаришсиз қолдирди.

Валютафуруш

Феруз ХАМРОЕВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг
Оқолтин туман бўлими инспектори

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, миллий валютанинг қадр-қиммати ва аҳоли фаровонлиги кўп жihatдан давлат валюта захира-сининг қудратига боғлиқ. Шу боис ҳам валюта муносабатлари давлат эътиборидаги масалалар сирасига қиради.

Ҳар қандай даврда, ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмай туриб, мўмай даромад ҳисобига яшаш истигадилар топилади. Валютафурушларни ҳам ана шундай тоифа-дигар қаторига қўйиш мумкин.

Бели оғримай пул топиш-ни мақсад қилганлардан бири гулистонлик Шоҳимардон Файзиев экан. Тайинли жойда ишламай, оиласини ноқонуний тогган даромади билан тебратишга киришган Ш.Файзиев "қўза кунда эмас, кунда синиши"ни билганида, эҳтимол бирор-бир фойдали касбнинг бошини тутган бўлармиди.

Ўтган йилнинг 29 сентябри-да Гулистон шаҳрининг гажум кўчаларидан бирида турган Ш.Файзиев яқинлашган хари-дорга сотиладиган доллари борлигини ишпишди.

— Қанчадан бўляпти?
— Қанча керак?
— Беш ярим минг...
— Бўлди, ўзим тўғрилаб бе-раман...

"Харидор" иши осон битга-нидан қувониб, ёнидаги пул-

ларни унга узатди. Ш.Файзи-ев пуллари санаб олгач, доллари аёлга бераётган чоғда ҳуқуқ-тартибот ходим-лари томонидан ушланди. Унинг ёнидан 5500 АҚШ дол-лари ашёвий далил сифати-да олинди.

Жиноят жазосиз қолмади. Ш.Файзиев ҳам қилмишига яраша жазосини олиши аниқ эди, аммо у судга ариза би-лан мурожаат қилиб, қилми-шдан чин қўнғилдан пушай-монлигини, унга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабргаги "Ўзе-бекистон Республикаси Консти-туцияси қабул қилинганлиги-нинг ўн тўққиз йиллиги муно-сабати билан амнистия тўғри-сида"ги Қарорини қўллаб, иш юриштишни тугатишни сўради.

Суд судланувчининг ариза-сини ва жиноят иш матери-алларини ўрганиб чиқиб, ам-нистия тўғрисидаги қарорнинг 7-моддасига асосан жиноят ишини тугатишни мақсадга мувофиқ деб топди. У бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олган деб ўйлаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, валютафурушлик йўли билан мамлакатимиз иқтисодиётига путур етказиш-га ҳаракат қилаётганлар, эр-тами-кечми тегишли жазоси-ни олишади.

Ароқдан келган кулфат

Қашқадарё вилояти Ҳузор туманининг Совлигор қишлоғида содир бўлган бу воқеа ҳар қандай кишини ўйга толдириши аниқ.

Нуриддин Эгамбердиев учун ичкилик ҳаёти-нинг мазмунига айланиб улгурган, бинойидек оиласи, гуддек фарзандлари бўлган бу киши тайинли бир жойда ишламас, бекорчилик-дан ароққа ружۇ қўйган эди. Бугун ҳам кечаги ичкиликдан боши тара ёрилади дегган Нуриддин эрталабдан яна "бош оғриғини босиш" ҳаракати-га тушди. Аввал уйи яқинидаги дўкон-дан пиво олиб келиб ичди. Анчагина кайфи олиб қолган бўлса-да, бироқ бу билан унинг "бош оғриғи" босилмади. Яна кўчага чиқиб, тик турган ҳолда икки-уч стакан ароқ ҳам симириди. Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди.

Нуриддин ароққа роса тўйгач, чайқала-чай-қала ҳовлиси-га йўл олди. Бироқ шу вақт эрта-лаб молларини ҳайдаб юборгани-у, ҳозир яқин атрофда қўринмаётганлиги ҳақида ўйлаб қолди. Шуларни ўйлаганча яна изига қайтиб, қишлоқдаги "Пачкамар" пахта қабул қилиш мас-кани ҳовлиси-га кириб келди. Бу пайтда таш-килот қоровулхонасида тўрт-беш нафар киши гурунглашиб ўтирган эди.

— Шу ерга меннинг сигирларим келмадимми?
— тўнғиллади Нуриддин. Унинг сигирлари бун-дан олдин фуқаро Бердимурод Охўтаевнинг шу яқиндаги томорқасига бир неча маротаба келган ва экинларини пайҳон қилган эди. Шу боис, у бу гапларни Нуриддинга тушунтириш-нинг аини пайти, деб билди.

— Молларинг ҳозир келгани йўғ-у, лекин боя бир неча марта томорқамни пайҳон қилди. Ил-тимас, молларингни эгасиз қўйиб юборсанг-...

— Нима дейсан, молларимни шу бугун қўйиб юборганман. Сен менга тўхмат қилма. Ўзи менга хусуматинг борлигини олдиндан билардим.

Нуриддин Бердимуродни оғзига келган қўпол сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Қоровулхонада ўтирганлар унга фирт мастли-гини биллиб, тинчлантиришга ҳаракат қила бош-лашди. Бироқ, бошқаларнинг "бўлди-бўлдиси"

унга янада илҳом бериб, баттар туюқиб кетди:

— Бугун ким биландир жанжаллашгим келиб юрувди ўзи. Сенлар аралашма, ё таёк ейман, ёки... Мен ўлдираман бунни, — у шундай деган-ча Бердимурод томонга отилиб, унинг юзига мушт туширди. Бердимурод эса рақибини кучоқлаб олиб, қўймай тураверди. Аини шу вақтда Нуриддиннинг қўзи дастурхон устидаги пичоққа тушди. Эғлиб қўлини узатганид, етди. Бунни на уни ушлаб турган Бердимурод ва на иккаласини муросага келтириш ҳаракатидаги бошқалар англамай қолишди. Қўлга пичоқ илинган Нуриддин бир ҳамла билан уни рақи-бининг кўкрак қисмига урди. Бердимурод "оҳ" деди-у, Нуриддинни қўйиб юборди. Фожия рўй берганлигини англаган бошқалар Нуриддинга ёпишиб, унинг қўлларини қайиришди.

Бердимуроднинг ҳушдан кетгани ва қўп қон йўқотаётганлигини кўрган шериклар дарҳол яқин атрофдан машина қачириб, уни Қарши шаҳридаги шифохонага жўнатишди. Бироқ, Бердимурод йўлда ҳаёт билан видолашди.

Хулоса ўрнида яна ичкилик ҳақидаги юқори-даги мулоҳазамизни давом эттиришдан ўзга чора топмадик. Ҳўш, Нуриддин Эгамбердиев-нинг марҳумга нисбатан олдиндан хусумати бормиди? Йўқ. Бироз олдин унинг ҳаёлида одам ўлдираман, деган режа-чи? Йўқ. Унда бу жино-ятни содир этишига нима сабаб бўлди? Ички-лик ва унинг таъсирида ўзини идора эта ол-маслик. Энди ўн беш йиллик ҳаёти озодлик-дан бебаҳра, тиконли симлар ортида, маҳжум-лар орасида кечди. Бу даврда оиласи таянч-сиз, фарзандлари ота тарбиясидан узоқда бў-лди. Энг ёмони қотил деган доғни бир умр пе-нонасидан ювиб кеткази олмайдми. Бу доғ фар-зандларининг ҳам келажагига соя солиб тура-веради.

Н.ҚҮЛДОШЕВ,

Муборак туман прокуратураси терговчиси
Ж.БОЙМУРОДОВ,

журналист

Жияннинг таниши...

"Одамнинг оласи ичида" деган гап бежиз айтилмаган экан-да. Бўлмаса, ҳаётнинг паст-баландини яхши биладиган Самад Салиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) келиб-келиб ўзи ишонч билдирган одамнинг фириб тузоғига тушиб ўтирармиди. Жияни Суръат бир йигитни бошлаб келиб, "исми Дилмурод" деб таништириб қўйганида у қўзига дуруст, гап-сўзлари маъни-ли, тадбиркор бўлиб қўйгани эди... "Бунақа тадбиркор йигитларнинг қўлидан кўп иш келади", деб ўйлаган эди.

Ишнинг тайини йўқ Дилмурод Балтаев аслида Суръат билан аввалроқ танишган эди. Кўнларнинг бирда учрашиб қолишганда ёлгонга бун қийдириб юборадиган Дилмурод пул топишнинг антиқа йўллари ҳақида гапирар туриб:

— Огайни, сенга аниқ бир бизнесни айтсам, қўйиласанми? — деб сўради.

— Қани, аввал эшитай-чи, — Суръат иккиланиб жавоб берди.

— Хўш, ёзги сезонда нима пул, пластик трубалар

пул, тўғрими? Харидор дегани тикилиб ётибди. Хўп десанг, мен трубаларни топиб, савдонини йўлга қўяман. Қарабсанки, пулнинг ўзи оқиб келаверади.

Бу таклиф Суръатга ҳам ёқиб тушди.

— Лекин бошланишига озроқ сармоя керак, — дея гапини давом эттирди Дилмурод. — Шу ёғи қийнаб турибди-да. Агар сармоя қўйсанг, бир ойда ҳиссаси билан чиқариб бераман.

Суръат бироз ўйланиб турди-да, ҳозир жамғариб қўйган сармояси йўқлигини айтди. Ошасининг сўзлари чинлигига шубҳаланмай, ёрдам бериши мумкинлигини ҳам қўшиб қўйди.

— Яхшиси, мен сени тоғам билан таништириб қўяман. Тунов кўни арзонроқ труба излаб юрганини кўрувдим. Йўқ демаса керак.

Хуллас, Суръат ўзи билмаган ҳолда фирибгарни тоғасига рўпара қилди. Самад Сали-

евнинг ростдан ҳам жамғариб қўйган пули бор экан, истарали йигит таклиф қилган имкониятни қўлдан чиқаргиси келмади.

— "Осий батарея" корхонасида танишларим бор. Қанча хоҳласангиз арзонига шунча труба олиб бераман, хоҳласангиз фойдасини "арра" қиламиз, — деди Дилмурод тоғанинг ишончини қозонган.

— Келишдик, ишни тезроқ битказсанг бўлгани, — деди тоға фойдани чамалаб қўлган. Сўнг ёнидаги 20 минг долларни Самадга қўшқўллаб тутказди.

Қўли пул қўрган Дилмуроднинг кўзлари ёниб, ваъдани янада қуюқ қилди.

— Ака, юз фоиз гарантия, йигитнинг гапи битта бўлади.

Шу-шу С.Салиев ҳар кун Дилмуроднинг йўлини пойлайдиган бўлиб қолди. Орадан хафталар ўтди. На трубадан, на пулдан дарак бор. Бу

Ботир ИРИСМЕТОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори
ўринбосари

орада жияни ёқимсиз гап топиб келиб, тоғанинг кўнглини хира қилди. Унинг айтишича, Дилмурод бошқаларни ҳам алдаб, пулини олиб, қайтариб бермаганмиш. Тоға хавотирга тушиб қолди, сўраб-суриштириб Дилмуродни излаб топди. Дилмурод устаси фаранг эмасми, яна тоғанинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, орқасига қайтарди.

"Шериклик ош пишмас", дейишади. Яна хафталар ўтди, Дилмурод эса қорасини ҳам кўрсатмади. Иш чапласига кетганидан аччиқланган тоға жиянини чақиртириб:

— Анави огайнинг қанақа одам ўзи? — деб сўради.

Жиян нима дейишни билмай, бошини эгиб тураверди. Тоғанинг хавотирини ортиб, яна

фирибгарни излаб йўлга отланди.

Фирибгарда иймон, инсоф нима қилсин. Дилмурод "Уйимни гаровга қўйиб, кредит олмоқчиман, шунга пулин-гизни банкка взнос тарикасида қўйдим, кўнглингиз тўқ бўлсин, фойдаси билан қайтараман", дея лақиллатганида тоға ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай қолди. Банкка бориб, олғир йигит ҳеч қандай пул қўйганини аниқлади-ю, "воҳ" деб юборди. Тоғанинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Дилмурод устидан жиноят иши қўзғатилгандан кейингина кўзи ярқ этиб очилди. Тергов даврида жабрланувчига етказилган зарарни тўлади. Суд унга жазо тайинлашда оилавий шароитини, илгари судланмаганини, зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даввоси йўқлигини, айбига пушаймонлигини эътиборга олди. Бу унга сабоқ бўлишига ишонгимиз келади.

У айбига иқдор бўлмади.

Жабрланувчини илгари танимаганмиш. «Бешолиш» маҳалласига борганида дугонаси Шохидохон таништириб қўйганимиш. Эри оламдан ўтгани, қўлача қақалоғи борлигига раҳми келиб, Каримахонга ёрдам бермоқчи бўлганимиш. У эса иши битиб, энли хизматга туҳмат қилаётганимиш...

Шу тариқа юлдузни бенаврон уришга одатланган Лайлохон бечора жабрдайдя қиёфасига қиради. Терговда юз хил турланади. Оқ жараёнда ҳам ўзини қўй оғзидан чўп олмагандек кўрсатишга тиришади. Холбуки, бу биринчи "иши" эмас. Тошлоқ туманида туғилган, "Турват" маҳалласида рўйхатда турса-да, Марғилон шаҳри, Янги Фарғона қўчасидаги кўпонадонли уйда яшаб келган Лайлохон Рустамова муқаддам ёлгон гувоҳлик бериш, ўғирлик, фирибгарлик каби жиноятларни содир этиб, уч бора судланган, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Бир гал амнистия қўлланиб, жазони ўташдан озод этилган. Турмуш ўртоғидан ажрашгани, икки нафар фарзандларини бир ўзи тарбиялаётгани инобатга олиниб, кўрсатилган ушбу мурувватдан Лайлохон ўзига тегишли хулоса чиқармади. Ҳақ йўлига ўтмади. Таниш ва нотанишларни алдаб, пулларини шилиб олишдан иборат қилмишларини давом эттирарди. Ҳатто бева қариндошини ҳам аяб ўтирмади.

Турмуш ўртоғи Нейматжон 2010 йили бахтсиз ҳудуда туфайли ҳаётдан кўз юмган, Каримахон марҳум қайнонабуниси номиди бўлган, ўзи яшаб турган ҳовлини ўз номига расмийлаштириш тарадудига тушди. Битта маҳаллада яшайдиган Шохида опага маслаҳат солган эди, у йўл-йўриқ кўрсатди. Бирок, содда қишлоқ аёли рўзгордан ортиб, идорама-идора юришга фурсат топла олмаётган эди. 2011 йил ёз кўнларининг бирда Шохида опа «бир танишим ишимни тўғрилаб берди, сиздан ҳам ёрдамини аямаяди, бугун келмоқчи эди», деди. Каримахон "хожатбар" аёлни кутиб олганида "ие, ўзимизнинг қариндош-ку", деб суюнди. Дарҳақиқат, Лайлохон марҳум эрининг ам-

Фирибгар аёл



Ҳамиджон МЕЛЬНИКОВ,
Тошлоқ туман прокурораси
терговчиси

масининг қизи эди. Бир пайтлар — Нейматжон тириклигида борди-келди ҳам қилишарди. Анчадан бери қўришмаган, Лайлохоннинг одамларни алдаб юришдан беҳабар эди. Шу боис қўл телефони рақамини ёзиб олиб, «уйни номингизга ўтказдириб бераман, уч-тўрт кунда қўнғирок қиламан, қўришамиз», деганида дили ёришиб кетди. Айтганидай, бир неча кун ўтиб, у қўл телефонида қўнғирок қилди. "Уйнинг ҳужжатлари билан 250 минг сўм тайёрлаб қўйинг, бирор соатда етиб бораман", деди-ю, кўчадан машина ушлаб, етиб келди. "Ҳужжатлар бир ой ичида тўғри бўлади", деб пулни санаб олди. Каримахон унга ҳар икки-уч кунда қўнғирок қилиб турди. Орадан ўн кун ўтиб, Лайлохон яна ўша машинада икки нафар йигитни бошлаб келди. "Туман кадастр бўлимида ишлашади, ҳовлини ўлчаб, чизмасини чизишади, менга пул берганингизни айтманг, уларни ўзим рози қиламан", деди.

Орадан ана бир ой ўтиб, Лайло Каримахонга телефон қилди. "Қайнонангиз ўша чекни ўз номинга оламан, дея ҳокимга ариза берган экан. Шу ариза ишони бегила тепляти. 180 минг сўм берсангиз, аризани йўқ қилиб юборишаркан", деди. Келаси кун эрталаб келиб, пулни олиб кетди. Орадан ўн кун ўтган, тагин телефон қилди: "Марғилон архивдан маълумотнома олиш керак. 67 минг сўмга ёзиб беришади", деди. Каримахон унга айтганини берди. Орадан бир неча кун ўтиб, уйнинг ҳужжатларига ҳокимнинг юмалоқ мўҳрини босган 260 минг сўм бериш керак, дея келиб, содда аёл қўлига тутқазган пулни сўм-

качасига жойлади. Октябр ойининг ўрталарида эса ҳокимнинг қарорини чиқаришга тўлов, дея тагин 240 минг сўм олади.

Бир неча кундан кейин ана Каримахонга телефон қилди: "Вилоят ИИБдан судланмаганингиз ҳақида маълумотнома керак экан. 60 минг сўм берсанг, дарров қилиб беришаркан". Каримахон унга «бунча пулим йўқ, 40 минг бор, холос», деган эди, «майли етмаганини ўзим қўшаман, кейин берасиз», дея 40 минг сўмини олиб кетди. Каримахон унга бундан ташқари, ЗАГСдан кампирнинг ўлгани ҳақида маълумотнома олиш, Фарғонадан аллақандай ҳужжатларни олиб келиш учун 20 минг сўм тўлади. Қақалоғи билан туман касалхонасида ётганида ҳам пулни аямасди. Сўнгги бор у Лайлохонга 13 минг сўм пул беради. Орадан у ой ўтса-да, бир ойда тайёр бўладиган ҳужжатлардан дарак йўқ эди. Каримахон касалхонадан чиққанидан кейин туман ҳокимининг қабулига бориб, уйига чиқарилган қарордан нусха беришларини сўради. Ҳоким у яшаётган уйга қарор чиқартириш учун ҳеч ким мурожаат қилмаганини, Лайло исмли аёлни танимаслигини айтганида, чув тушганини аңлаб етди. Лайло сўралган маълумотномаларни келтириб бермагани туфайли кадастр идорасида ҳам ҳужжатлар тайёрланмаган экан. Каримахон туман ИИБ бошлиғи номига ариза ёзиб берди. Унинг аризаси бўйича фирибгарликни қасб қилиб олган аёлга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов якунланди, иш судга оширилди.

Суд мажлисида судланувчи Лайлохон Рустамова ҳовли-уйни Каримахон Жамолдиновнинг номига расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, уни алдаб чув туширган, жами 1 млн. 70 минг сўм пулини олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборгани ҳужжатли далиллар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ўз исботини топди. Фирибгар аёлга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Қадим-қадимдан ҳар бир мамлакат чегараси дахлсиз ҳисобланиб, давлат сарҳадлари қўриқлаб келинган. Шунингдек, қонуний йўллар билан қўшни ҳамма чегарадош давлатларга қийиб-киришни ҳеч ким, ҳеч бир замонда ман этган эмас. Хусусан, бизнинг давримизда ҳам. Бирок чегарани бўзиб, қонунларга дахл қилдингизми, бу иш жазосиз ҳам қолмайди.

Манзилига етмаган юк

Умид КУЛИЕВ,
Зомин туман прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси

Шу йилнинг апрель ойида жиноят ишлари бўйича Зомин туман судида ана шундай қонунбузарларнинг иши қўриб чиқилди. Судланувчи Мамадияр Ҳақимов асли Янгийер шаҳрида туғилган, ҳозирда Ховос тумани, Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "62-разъезд" қишлоғида истиқомат қилади. Машинасида қирақашлик билан шугулланади.

Судда судланувчи тарикасида сўралган М.Ҳақимов айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, ўтган йил ёз ойида "Олов" исмли йигит билан танишиб қолганини, у Оловни бир-икки марта Янгийер шаҳрига олиб бориб-келганини, уни яхши танимаслигини ва қаерда яшашини ҳам билмаслигини, шунингдек, 2011 йилнинг 15 июнь кун эрта тонгда кўчада қира қилиш учун турганида Олов уни қўриб қолдиб, "Мамадияр ака, Тожикистондан Ўзбекистонга юк ўтказишни керак, шу юкни ташиш учун одам топиб берсангиз", деб илтимос қилганини айтиб ўтади.

Тонг пайти бу нотаниш кишининг унга мурожаат қилиши, Тожикистондан қандайдир юк олиб ўтишга одам кераклигини айтиб, айнан унга илтимос қилиши қизиқ эди. "Қаҳрамони-миз" ҳам "хожат чиқариб юборай, бу савоб иш", деб ўйламадир ахир?

Шу орада уч-тўрт киши, аниқроғи, дастлабки терговда шахслари аниқланмаган Олим, Жамшид, Маҳмуд исмли кишилар, шунингдек, "ҳар қолига 5 минг сўмдан пул тўлашишга қизиққан" У.Ҳазратқулов, Ҳ.Уматов, Ш.Шодмоновлар 2 та машинада Зомин туманининг Бешюз қишлоғи яқинидадан ўтган давлат чегарасига бориб, уларни кутиб турган "Олов"нинг "Газели" қўшни республика ҳудудида турганига қарамай, юкни орта бошлашади.

Шеркўзининг "Пулни ким беради?" деган саволига Мамадияр пулини ўзи тўлашини айтди...

Шукрчи, туну кун юртдошларимизнинг осойишталигини қўриқлаб келаётган чегарачиларимиз сафида оловқалб, энг асосийси, чегара ишларини жуда яхши билладиган ўғлонларимиз бор...

2011 йилнинг 15 июнига ўтар кечаси бир гуруҳ ана шундай чегарачилар ўз постларида ҳушёр туришар эди. Х.Бобонозов ҳарбий қисмда шартнома асосида 2008 йилдан бўён хизмат қилади. У шу кунни Ф.Холиқов билан айланиб юриб, Бешюз қишлоғининг Тожикистон билан чегара чизиги бўйлаб ўтган зовур яқинидаги кишиларни қўриб қолади.

Бундай ваздта нима қилиш кераклигини яхши билган Х.Бобонозов ўша томонга ҳаракатланаётганида улар қўлларидagi қопларни ташлаб, ҳар томонга қоча бошлашади. Чегарачиларнинг саяй-ҳаракатлари билан қочаётганларнинг икки нафари ушланади.

Чегарачи ҳужжат талаб қилганида, улар ўзларини Шеркўзи Шодмонов ва Хусан Уматов деб таништириб, ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олишмайди. Чегара бузувчилар дарҳол постга олиб кетилади. Улар томонидан ташиб кетилиши керак бўлган 10 қоп "Sanam" номли хина маҳсулотларини қадоқлашга мўлжалланган қоғоз қутилар тегишли равишда мусодара қилинди.

Хуллас, суднинг қора курсисидан ўрин олган М.Ҳақимов ва унинг шериклари қилмишларига яраша жазо олишди. Бу бошқаларга ҳам яхшигина ўрнак бўлиши тайин. Зеро, шахар бедарвоза эмас. Сарҳадларимиз дахлсизлиги эса ишончли қўлларда.

Ассосиз қарор

Н.СУЛТАНОВА,

Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси



"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканликлари мустақамланган. Аммо уларнинг бундай мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак. Мазкур қонунда мустақамланган ҳуқуқдан қай тарзда фойдаланиш, энг аввало, юзга келган вазият, шарт-шароит, инсоннинг шахсий хислати ҳамда нечоғлиқ фаоллигига боғлиқдир. Хусусан, ўз ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётганини ёки бузилганлигини билган инсон озғаси ёки бўлмаса ёзма равишда шикоят қилади. Хар икки мурожаатнинг ахамияти эса қонун бўйича бир хилдир. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи фуқаро Л.Попова ҳам пенсияга чиққанидан сўнг уйдаги майда-чуйда ишларни айтмаганда, шикоят ёзиб, идорама-идора югуриши мумкинлиги хаёлига келмаган. Бироқ ҳар доим ҳам ҳамма нарса инсон ўйлаганчалик бўлавермас экан. Л.Попова 1993 йили ёшга доир пенсияга чиққанидан сўнг салкам саккиз йилдан кейин Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармаси бўлимида

тайинланган пенсияларнинг қонунийлигининг аҳоли текширилганда беш йиллик меҳнат ҳақи бора-сида тафовут борлиги, яъни бу йиллардаги иш ҳақлари қўшиб ёзилганлиги аниқланади. Унга бу ҳақда хабар берилганда, у бундан лол бўлиб қолган. Чунки бу тафовут 2002 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда нақд 704 минг 194 сўмни ташкил этар эди. Бу суммани ундириш учун туман пенсия жамғармаси бўлими Л.Попованинг ҳар ойлик пенсиясидан қарздорлик тўлиқ қоплан-гунга қадар эллик фоиз миқдориди ушлаб қолиш ҳақида қарор қабул қилади. Пенсиянегара олаётган ҳақининг ярмини олиб қўйишдан ортқ азоб борми? Пенсиянегари ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётгани ху-сусидаги арзлари эса инобатга

олинмаган. Шундан сўнг у туман про-куратурасига пенсияга ассосиз ра-вишда камайтирилганлиги тўғриси-да ариза билан мурожаат этади.

Ўтказилган текширув жараёнида ҳақиқатан ҳам бу борада қонунбу-зилишга йўл қўйилганлиги аниқ-ланган. Аввало, бюджетдан ташка-ри пенсия жамғармасининг Мир-зо Улуғбек туман бўлими томони-дан Ҳамза туман халқ таълими бўлимидан Л.Попованинг иш ҳақла-ри хусусидаги маълумотномалар қонунга хилоф равишда олинган. Чунки Республика Вазирлар Маҳ-камасининг 2011 йил 8 сентябрда-ги "Давлат пенсияларини тайин-лаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"-ги Низомнинг 85-бандига асосан, пенсия тайинлаш учун берилган ҳужжатларда ишонсиз маълумот-лар аниқланган ёки амалдаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни бузадиган тузатишлар аниқланган-да, Пенсия жамғармаси бўлими пенсия тайинлангунга қадар улар-ни текшириши ёки қўшимча маъ-лумотлар тақдим этиш ёхуд амал-даги иш ҳақи тўғрисида берилган

маълумотномаларга тушунтириш-лар бериш ҳақида ёзма сўров юбо-риши шарт. Мазкур меъёр талаби-га зид равишда бюджетдан ташка-ри пенсия жамғармасининг туман бўлими ходими З.Пардаев томони-дан ёзма сўровнома юборилмай, телефон орқали озғаси сўров асо-сида факсдан маълумотнома олин-ган.

Бундан ташқари, тилга олинган Низомнинг 202-бандига кўра, ишон-сиз маълумотлар, пенсияга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш учун за-рур бўлган ҳужжатлардаги маълум-отларни бузувчи тузатишлар аниқланганда, шунингдек, пенсия-ларни тайинлаш ва тўлаш учун иш берувчи ёки архив томонидан бе-рилган юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар сохталаштирилганда ва қалбакилаштирилганда, давлатга етказилган зарар суммасини унди-риш учун жавобгарлик қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда, ушбу ҳужжатларни берган ташкилотлар ва архивнинг мансабдор шахслари-га юклатилади.

Туман прокуратурасининг арала-шуви билан Л.Попованинг 1987-1992 йиллардаги иш ҳақи хусуси-даги маълумотномалари Ҳамза ту-ман молия бўлимидан олиниб, қайта кўриб чиқилганда унинг пен-сиясидан пул маблағлари ассосиз равишда ушлаб қолинганлиги са-бабли бу қонунбузилиши ҳолати бартараф этилди.

Имтиёзли микросармоялар — даромад манбаи

Мамлакатимизда мус-таклиликнинг даст-лабки йиллариданоқ банк тизимини ривожлантириш-га, унинг иқтисодийнинг локомо-тиви сифатида намоён бўлиши-га алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг молия-банк соҳасига оид устувор вази-фаларни амалга оширишга қара-тилган бир қатор Фармон ва қарорлари мазкур тизимни яна-да ривожлантириш учун ҳуқуқий-ташқилий асос бўлиб хизмат қил-моқда.

Хусусан, бугун Ўзбекистонда 30 та тижорат банки ва худуд-ларда 9 мингдан зиёд тарқибий бўлиналари, яъни филиаллари, мин-банклари ва бошқа турда-ги чакана хизмат соҳобчалари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу мамлакатимиз банкларининг аҳоли ва ишлаб қишқариш худуд-ларига кириб бориш даражаси бўйича жаҳонда етакчи ўринлар-дан бирини эгаллаб турганидан далолатдир.

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тadbirkorлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эса, соҳани ривожлантириш учун яна-да кенг имкониятлар эшиги очилди. Хусусан, тadbirkorлар учун энг паст фоизларда микрокредит ва микролизинг хиз-матлари кўрсатиш жорий этилди. Бунинг самараси улароқ, банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига 935 миллиард сўм миқдоридида кредит ажратди. Шу билан бирга, 565 миллиард сўмлик микроолиявий хизмат-лар кўрсатилди, бу маблағлар эвазига республикамизда 457 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Эътиборлиси, банк жамоаси олиб борилаётган ишлар самара-дорлигини ошириш мақсадида жорий йилда кичик бизнес ва ху-сусий тadbirkorлик субъектлари-га кўрсатиладиган микроолия-вий хизматлар ҳажмини 202,8 мил-лиард сўмга етказишни қўзлаган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойла-ри давомида соҳага 110,7 мил-лиард сўм миқдоридида кредитлар ажратилди. Унинг 61,8 миллиард

сўмлик имтиёзли микрокредит-лар бўлиб, бу борада белгилан-ган режа 102 фоизга бажарилди. Шунинг ҳисобига 35 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

"Микрокредитбанк", айниқса, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оилалар, ай-ниқса, ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маъ-навий қўллаб-қувватлаш мақса-дида унинг 1 минг 900дан зиёд ёш оилага 9,4 миллиард сўмлик маб-лаб берилди. Аёллар тadbirkor-лигига йўналтирилган сармоялар 13,0 миллиард сўмни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тақдим этилган кредитлар ҳажми эса 2,1 миллиард сўмни таш-кил қилди.

Бундан ташқари, банк, Ўзе-бекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва БМТнинг Аёллар ривожланиш жамғармаси (UNIFEM) ҳамкорли-гида "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш" лойиҳаси асо-сида Қорақалпоғистон Республи-касининг Қонлиқўл туманидаги "Жана қалъа", "Бескупир" ва "1-макан кенес" овул фуқаролар йи-гиларида, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги "Сада" киш-лоқ фуқаролар йиғини ҳамда Қаш-қадарё вилоятининг Қарши туман-идаги "Ертепа", "Ровот" ва "Юкорибешкен" маҳаллаларида-ги кам таъминланган аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида жами 100 минг АҚШ доллари микро-реда миллий валютада микрокре-дитлар ажратилди. Бунинг на-тижасида Германиянинг Жамгар-ма кассалари фонди кўмағида 200 нафарга яқин киши иш би-лан таъминланди.

Ўтган йили касб-ҳунар колле-жлари битирувчиларидан 1795 на-фариға 5 миллиард сўмдан ор-тиқроқ миқдорда бошланғич сар-моя сертификатлари тақдим этилди. 2012 йилда ажратилади-ган кредитлар миқдори ўтган йил-га нисбатан 1,2 баробарга оши-рилиб, 6,2 миллиард сўмга еткази-лиши қўзлаган.

Бу йўналишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан "Ёш тadbirkor — юртга мадад-

кор" лойиҳаси амалга оширила-ётгани, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаоли-ятини йўлга қўйишга қўмақлашув-чи "Менинг бизнес гоям" талло-ви ташкил қилинган ёшларни ишбилармонликка жалб қилишда қўл келатир. Жорий йилнинг 19 май куни Тошкент вилояти Бўс-тонлик туманида жайлашган ўқув оромгоҳида "Менинг бизнес гоям" талловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга ушбу талловнинг Қора-қалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар босқини ғолиб-лари тақдиф этилди. Улар учун махсус ўқув курслари ташкил эти-либ, унда банк мутахассислари ёшларнинг лойиҳаларини баҳо-лашда иштирок этди. Шунингдек, ёшларга банк имкониятлари ҳақида маълумот берилди, тар-қатма материаллар билан таъмин-ланди. Ушбу лойиҳа доирасида 105 нафар ёш тadbirkor жалб этил-ди ва 58 нафар ёшлар томони-дан тақдим этилган лойиҳалар мо-лиялаштирилди. Шундан 21 таси "Микрокредитбанк" молиялашти-рилиши белгиланган.

Маълумки, жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Амстердам ша-ҳрида (Голландия) бўлиб ўтган "Ёшларнинг молияларини ривож-лантириш ташкилоти"нинг бирин-чи Халқаро Саммити ва тақдир-лаш маросимида Ўзбекистон Рес-публикасининг "Микрокредитбанк" очик акциядорлик-тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, шунинг-дек, болалар ва ёшларни молия-лаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилган. Шунингдек, "Микрокредитбанк" апрель ойида пойтахтимиздаги "Ўз-кўргазмасавдо" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марка-зий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бошқа ташки-

лотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, ас-боб-ускуналари ва хизматлари бўйича "BankExpo-2012" миллий кўргазмаси доирасида ўтказилган таллошда "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувват-ловчи энг яхши банк" номинация-си бўйича ғолиб деб топилди.

Жорий йилнинг 26 май куни Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида Марказий банк ва "Мик-рокредитбанк" очик акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси до-ирасида ўтказилган семинар ҳам мазкур жамоанинг шундай сатъ-ҳаракати мевасидир. Мазкур тadbirkor вилоят ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда тумандаги касб-ҳунар коллежлари раҳбарла-ри ва битирувчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иш-тирок этди.

Ушбу лойиҳадан қўзлаган асо-сий мақсад Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг бити-рувчиларини тadbirkorлик фаоли-ятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги Фармони ижросини таъ-минлаш юзасидан "Микрокредит-банк" очик акциядорлик-тижорат банки республикамиз вилоят ва туманларидаги ўрта махсус таъ-лим муассасалари билан ҳамкор-ликда 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари-нинг эгаллаган мутахассисликлари бўйича тadbirkorлик фаолият-ларини йўлга қўйишлари учун бошланғич сармоя микрокредит-лари ажратиш ҳисобланади.

Семинарда ёш тadbirkorлар-нинг банк кредитлари эвазига яратган махсуслотларни кўргазма-си намойиш этилди. Пироварди-да, "Микрокредитбанк" томонидан ўзининг пухта бизнес-режасига эга бўлган 20 нафар коллеж би-тирувчиларига замонавий тикув машиналари, 15 нафар битирув-чи бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари ҳамда оилавий тadbirkorлик субъектларига қим-матбаҳо совғалар топширилди.

Айни пайтда банк фаолияти жаҳон стандартларига мослашти-

рилаётгани унинг халқаро доира-даги нуфузини ҳам мустаҳкам-лаяпти. Халқаро "Fitch Ratings" агентлиги томонидан "Микрокре-дитбанк"нинг узоқ ва қисқа му-датли кредитга лаёқатлилик рей-тинглари "В" "Баркорор" дара-жасига кўтарилган, 2011 йил на-тижаларига кўра, унинг хорижий валюталардаги узоқ мудатли рей-тинги даражаси оширилиб, "Ба-ркорор" деб баҳолангани бунинг тасдиғидир.

Дунёдаги йирик молия ташки-лотлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва жаҳон банки маблағлари, Халқаро тараққиёт уюшмасининг кре-дит линиялари грантларини ки-чик бизнес субъектларига тақдим этишда ҳам банк фаол иштирок этмоқда.

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларнинг ахборот алма-шинувчи — "Mix-market" агентли-ги ҳисоботларига кўра, Марказий Осиё ва Европадаги микрокре-дитлар бериш йўналишида йирик-лиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кириб, 5 ол-мосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эъти-роф этилган ҳам "Микрокредит-банк" нинг халқаро доирадаги обрўйи тобора ошиб бораётгани-ни кўрсатади. Бостонда (АҚШ) нашр этиладиган "Микрокапитал бозори ахборотномаси" журнали томонидан чоп этилган ранжинга мувофиқ, Марказий Осиё ва Европадаги 151 та микрокредит банки ичидаги энг яхши 10 та банк орасида "Микрокредитбанк" ОАТБ бешинчи ўринни эгаллагани эса нафақат мазкур молия муассасаси фаолиятига, балки мамлакатимиз банк-молия тизми-да амалга оширилаётган из-чил ислохотларнинг нақадар тўғри эканлигига берилган юксак баҳодир.

Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшавган оилалар фаровон-лигини ва юртининг осоийиш-талигини таъминлайдиган асосий омилдир. "Микрокредитбанк" ки-чик бизнес ва хусусий тadbirkor-ликни қўллаб-қувватлар экан ўзи-нинг катта имкониятидаги микрокредитлари билан ҳар бир хо-надонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.

Дилфуза АВЛОКУЛОВА,
банк маъбӯт котиби

Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асоси, муҳим бўғини сифатида қаралади, бу нафақат шахсий масала, балки у ижтимоий аҳамият касб этади. Оила мустаҳкам бўлса, жамият ва давлат ҳам мустаҳкам бўлади. Қадимдан шарқда оилани мустаҳкам қўғонга қиёслашди. Оила қўғонининг мустаҳкам бўлишида эр-хотиннинг бир-бирлари билан аҳил-иноқ, меҳр ва муҳаббатли бўлишлари муҳим аҳамият касб этган.



Тиббий кўрик — соғлом оила гарови

Ота-оналаримиз ёш келин-куёвларга бахт тилар эканлар, «қўшганингиз билан қўша қаринглар», дея дуо қиладилар. Бу дуонинг замирида катта маъно ва мазмун бор, албатта. Зеро, комил инсон — ҳар томонлама фаровон, беками-қўст оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом авлодни вояга етказиш, соғлом оилавий муҳитни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор масаласи бўлиб келмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади». Маълумки, мустақиллик даврида оилани мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотларнинг самараси сифатида Оила кодексига янги норма сифатида «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш» тўғрисидаги 17-модда киритилди. Ушбу моддага мувофиқ тиббий текширувлар соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул ўтказилиши белгилан қўйилган. Ушбу норманинг қабул қилиниши нафақат фарзандларнинг жисмонан ва ақлан соғлом дунёга келишини таъминлайди, балки эр-хотин-

нинг ҳам соғлигини қонуан муҳофаза этади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Мазкур Низомнинг амал қилиши никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ФХД органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади. 50 ёшдан катта шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари, фақат уларнинг розилигига қўра ўтказилиши Низомда белгилан қўйилган.

Низом талабларига мувофиқ никоҳланувчи шахслар психик, наркологи, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС бўйича тиббий кўриқдан ўтказилар. Шу ўринда шунга таъкидлаш жоизки, Низомда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёни икки ҳафтадан ошмаслиги белгилан қўйилган. Тиббий кўриқдан ўтиш тўғрисида амалга оширилиши ва тиббий кўриқдан ўтмай турмуш қуришнинг салбий, ҳуқуқий аҳамиятлари келин-куёвларга никоҳга кириш ҳақидаги аризани бериш жараёнида батафсил тушунтирилса-да, айрим ҳолларда келин-куёвлар ва уларнинг ота-оналари томонидан ушбу қоидага амал

З.ЭРМАТОВА,
Данғара тумани ФХД бўлими
мудираси

қилмаслиги ачинарли ҳолдир. Бугунги кунда бизнинг ФХД бўлиминимиз қошида ҳам келин-куёвлар учун «Оила дорилфунуни» ва коллеж ва ўқув юртлари талаблари учун «Ёш оила қурувчилар мактаби» фаолият юритиб келмоқда. Ушбу мактабда ёшларга оила сабоғи билан бир қаторда, албатта, тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтишнинг афзалликлари ҳақида «Соғлом оила — юрт таянчи», «Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади», «Тиббий кўрик ва унинг аҳамияти» мавзуларида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Олиб борилган ҳуқуқий тарғиботлар натижаси сифатида 2012 йил 3 ойликда 322 та никоҳ қайд этилган бўлса, келин-куёвлар ўртасида аниқланган касаллик 1 тани ташкил этди. 1 та ҳолатда касаллик аниқланганлиги сабабли келин-куёвлар томонидан никоҳни қайд этиш рад этилди. Бундан қўриқиб турибдики, йилдан йилга ёшларимизнинг тиббий ва ҳуқуқий саводхонликлари яхшиланмоқда. Мухтарам Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор».

▼ Спорт

«Реал»дан «Милан»га

Кейинги пайтда Мадриднинг «Реал» клуби таркибидан муҳим ўрин топа олмаётган Рикардо Карвалю ва Хамит Олтинтўғлар Италиянинг «Милан» жамоасига ўтиши мумкин. «Милан» клуби Карвалюни жамоани тарк этиши кутилаётган Алесандро Неста ва Тиаго Силваларга ўринбосар сифатида қўришмоқда.

Бу трансфер амалга ошадими-йўқми, бунинг вақт кўрсатади. Сал аввалроқ португалиялик ҳимоячининг «Вердер» ва «Вольфсбург»га, Олтинтўғнинг эса «Галатасарай»га ўтиши ҳақида миш-мишлар тарқалган эди. Аммо бу футболчиларнинг мадридликлар сафида қолмаслиги кундан-кунга ойдинлашиб бормоқда.

Мейрелеш «Наполи» «нишонини»да

Португалия ва «Челси» клуби футболчиси Раул Мейрелеш ёзги трансферлар бозори вақтида «Наполи»га ўтиши мумкин. «The Daily Mirror» нашри томонидан тарқатилган хабарга қўра, италия клуби уни сотиб олиш учун 10 милли-

он евро сарфлашга тайёр.

Футболчининг ўзи эса айни пайтда терма жамоа билан китъа чемпионатида иштирок этмоқда ва бу таклиф ҳақида мазкур мусобақадан сўнг ўйлаб қўришга ваъда берган.

Дебюши учун 9 миллион евро

Франциянинг «Лилль» клуби ҳимоячиси Матйе Дебюши ўз фаолиятини «Интер»да давом эттириши мумкин, дея хабар бермоқда «La Gazzetta dello Sport» нашри. Манбада айтилишича, «Интер» спорт директори Марко

Бранка ушбу футболчини жамоага олиб келишга астойдил бел боғлаган.

Матйеннинг трансфер нархи 9 миллион еврога баҳоланмоқда.

М.ҚАМБАРОВ тайёрлади

Хорижнинг машҳур ҳуқуқшунослари

Семен Ария — 1922 йилда Украинанинг Донецк шаҳрида туғилган. У Иккинчи жаҳон урушида танк механик-ҳайдовчиси, кейинчалик разведкачи сифатида ҳам хизмат қилган. Уруш давомида икки марта яраланиб, бир қанча орден ва медаллар соҳиби бўлган. 1948 йилда университетнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагач, уни давлат хавфсизлиги органлари ва прокуратура терговчиси лавозимларига ишга таклиф қилишган. Аммо у кўпроқ адвокатлик фаолияти билан шуғулланган. 1961 йиллардан сўнг у бир қанча жиноий ва фуқаролик ишлари судларида қатнашган. Унинг миқозлари орасида машҳур шахслар ҳам бўлган. У 1970 йилларда стоматолог А.Журина рангли металл савдосида айбланаётганида унинг адвокати сифатида судларда иштирок этган. Ўша воқеадан сўнг у «рангли металл савдоси билан шуғулланган» деган айбловни стоматологга нисбатан қўллаганлиги таклифи билан Бош прокуратурага мурожаат қилган. С.Ариянинг иккинчи машҳур иши: театр актрисаси эрининг қотили сифатида айбланаётганда, у адвокат сифатида судда иштирок этиб, актриса эрининг қотили эмаслигини исботлаб берган. Бу ишда у ўз жонига қасд қилиш ёки қасддан қотиллик содир этишда пичоқнинг горизонтал ва вертикал ҳолатда санчилганидан фарқлаш мумкинлигини алоҳида таъкидлаган. Бундан ташқари, Семен Ария «диссидентлик ишларини қўриш жараёни»да ҳам бир неча бор иштирок этган. 1970 йилда РСФСР Олий судида мамлакатдан рухсатсиз чиқиб кетмоқчи бўлган 13 нафар шахс самолётни олиб қочаётганда қўлга олинганларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, улардан 2 нафарига олий жазо қўллашмоқчи бўлишган. Мазкур ишда С.Ария олий жазо тайинланаётган айбланувчиларга 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашга эришган. Тарихда бу иш «Самолёт иши» деб ном олган. У адвокат сифатида турли соҳа вакилларига нисбатан қўзғатилган жиноий ишлар судида иштирок этган. Семен Ария «Шикоятлар ва ҳимоя нутқлари», «Мозаика», «Адвокат ён дафтарчасидан» каби китоблар муаллифидир.



Александр Сухарев —

1923 йилда дунёга келган. 1941 йилда Воронеж шаҳридаги ҳарбий билим юртини тамомлаган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Бир неча орден ва медаллар соҳиби. 1970 йилда А.Сухарев адлия вазирининг ўринбосари, 1984 йилда Адлия вазирлиги лавозимида ишлаган.

1988-1990 йиллар мобайнида СССР Бош прокурори, 1991 йилда Бош прокуратура қошидаги Илмий текшириш институти директорининг ўринбосари лавозимида самарали меҳнат қилган. У Бош прокуратура фаолияти давомида аввало, Давлат хавфсизлиги, ҳалқаро алоқалар ва қонунлар ижросининг назорати бўлиmlарини алоҳида ташкил этиб, барча прокуратура органларининг фаолияти ва назоратини ҳам Бош прокуратурага бириктирган эди. Шунингдек, бир неча йиллар мобайнида шўро ҳуқуқшунослари Ассоциациясига раҳбарлик қилган. У биринчилардан бўлиб, Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасидаги ҳарбий ва ядро қуролли «совуқ уруш»ига қарши тинчликпарвар шартномалар имзоланишида илгор ғояларни илгари сурган. А.Сухарев 150 дан ортиқ илмий рисола ва мақола-лар муаллифи ҳисобланади. Унинг асарият илмий рисола-лари инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари мавзусига бағишланиб, жумладан, «Бизнинг халқаро суд», «Жамоатчиликнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш» каби китоблари ҳам чоп этилган. Бундан ташқари, унинг тахрири остида «Юридический энциклопедический словарь» (М., 1984), «Большой энциклопедический юридический словарь» (М., 1997) ва «Российская юридическая энциклопедия» (М., 1999) номли китоблар чоп этилган.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusufboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kелgan qo'yozmalar taqiriz
qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Муаллиф fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib boshish
faqat tahririyat ruxsati bilan amalga
oshriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rinishi
231

Buyurtma №4851 50 983 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Naybatchi muharrir: F.YODGOROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Naybatchi: O'.DEHONOV

Bosmazonaga topshirish vaqti: 18.00.
Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Kerxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligiga 2008-yl
12-aktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7437

